

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA TA'LIM MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

TARJIMONLIK FAKULTETI

TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI KAFEDRASI

Salimova Sumbula Shuxrat qizi

BEVOSITA TARJIMA JARAYONINING BOSQICHLARI

5220600 – tarjima nazariyasi va amaliyoti ta'lim yo'nalishi bo'yicha
bakalavr darajasini olish uchun taqdim etilayotgan

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Ilmiy rahbar: dots. Raximov G'.X.

Mazkur bitiruv malakaviy ishi
“Tarjima nazariyasi va amaliyoti”
Kafedrasi majlisida muhokama
qilindi va himoyaga tavsiya etildi.



Bayonnoma № _____ 2014 yil

Kafedra mudiri:

f.f.n. Turdiyeva N.Yo.

Samarqand – 2014

МУНДАРИЖА	
КИРИШ.....	3
I БОБ. ТАРЖИМА МИЛЛАТЛАР ОРАСИДА БЕВОСИТА МАЪНАВИЙ АЛОҚА ҚИЛИШ ҚУРОЛИ СИФАТИДА.....	6
1.1.Тиллараро мулоқотнинг моҳияти ва хусусиятлари.....	6
1.2.Таржимашуносликнинг мустақил фан сифатида ривожланиши ва унинг ўзбек тилига таъсири.....	10
1.3.Шекспир комедияларининг таржимаси касбий маҳоратининг асоси сифатида.....	16
I боб бўйича хулоса.....	19
II БОБ. АСЛИЯТДАГИ ОБРАЗНИ ТўЛАҚОНЛИ КАЙТА ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ.....	21
2.1. Ўзбек халқига хос турмуш тушунчаларини ифодаловчи сўзларнинг бевосита ва билвоста таржимада берилиши.....	21
2.2. Рус халқига хос турмуш тушунчаларини ифодаловчи сўзларнинг таржимада берилиши.....	28
2.3. Инглиз халқига хос турмуш тушунчаларини ифодаловчи сўзларнинг таржимада берилиши.....	32
II боб бўйича хулоса.....	39
III БОБ. БАДИИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА БЕВОСИТА ВА БИЛВОСИТА ТАРЖИМА.....	41
3.1. Бадиий таржиманинг мазмуни, хусусияти ва асосий шартлари ҳақида.....	41
3.2. Бевосита таржимада бадиий услубнинг тикланиши.....	45
3.3. Билвосита ва бевосита таржиманинг бадиий – эстетик аҳамияти...	52
III боб бўйича хулоса.....	56
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	59
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	61
ИЛОВА	

КИРИШ

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритган илк йиллардан бошлаб маорифга катта эътибор қаратди. Шу жумладан Ўзбекистон чет давлатлар билан халқаро алоқа қилмасдан туриб ўз келажагини белгилаб бера олмаслигини тушунган ҳолда, ўз эътиборини чет эл халқлари тили, маданияти, санъати, давлат тузилиши ва жойлашувига қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тараққиётимизнинг асосий йўналишини белгилаб олишда таълимнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатар экан қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар: «Миллий тикланиш йўли юқори саводхонлик юксак маданият орқали ўтади. Шунинг учун ҳам маълумот даражаси ва профессионал тайёргарликда 21-аср арафасида бизнинг ижтимоий ривожланишимизнинг ўлчови бўлиб қолмоғи керак. Бу ислохотларнинг белгиланган йўлидан боришининг энг яхши лойиҳасидир. Бу сарфланган маблағлардан вақти келиб энг кўп фойда олинадиган йўналишидир. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган кадрлар тайёрлаш миллий дастури ана шу фикрнинг амалий тадбиғи асосида кўриш мумкин».

Шу сабабли Ўзбекистонда таржимашунослик соҳасида ҳам жуда кўп илмий изланишлар олиб борилмоқда. Чунки бадий таржимада аслият руҳини, моҳиятини англаш, матндаги турли туман элементларнинг лексик, фразеологик, грамматик, фонетик функцияларини, тушуниб етиш, таржима тилида уларга ҳар томонлама мос муқобиллар топиш ғоят кўп қамровли ва мураккаб жараёндир. Бунда Л.С. Бархударовнинг таъбири билан айтганда, “икки турли хил тилларнинг лексик бирликлари ўртасидаги семантик муқобиллигини топиш муҳимдир”(№ 7, 456.).

Кейинги пайтларда юзага келаётган лингвистик тадқиқотларда таржима муаммоларига катта эътибор берилмоқда. Таржима тилларининг камолоти учун зарурий восита сифатида, уларнинг ривожланиш суръатини жадаллаштиради, луғат бойлигини оширади ва такомиллаштиради.

Мавзунинг долзарблиги. Таржима инсон маънавий ҳаётини бойитади, она тилининг имкониятларини рўёбга чиқаради, уни сержило қилади. Шунинг учун ҳозирги пайда лингвистиканинг энг долзарб муаммоларидан бири таржимадир.

Битирув малакавий иш мавзусини танлар эканмиз ўз олдимизга инглиз тилидан бевосита ва бивосита ўзбек тилидан рус тилига таржима қилинган бадиий асарларни ҳар томонлама куриб чиқиш, таҳлил қилиш, зарур ҳолларда маълум бир хулоса келтириш, уларни амалиётга тадбик қилишдаги муаммоларни имкон қадар ечишни мақсад қилиб қўйдик.

Масаланинг долзарблиги яна шундаки таржима жараенида бир тилдаги тил бирликларни икинчи бир тилдаги тенг қийматли тил бирликларига алмаштириш еки иккинчи тилдаги муқобил вариантни бериш зарур, акс ҳолда таржима ғалаз чиқиши мумкин. Албатта таржимонлик амалиётидан келиб чиқиб шунини таъкидлаш лозимки ҳар бир таржимон бадиий асар моиятини ўзига хос тушунади ва шу йўсинда таржимани амалга оширади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Кўп ҳолларда таржима воситали тил орқали амалга оширилганда тушунмовсчиликлар юзага келганлиги учун ҳам таржима назариясида бевосита таржиманинг устунлигини очиб бериш мақсадида ушбу масалани чуқурроқ ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

Юқорида келтирилган мақсадга асосланган ҳолда ушбу битирув малакавий ишимизнинг вазифаларини қуйидагича белгиладик:

1. Таржиманинг ривожланиш босқичлари ва тарихий негизларини ўрганиб чиқиш;
2. Шу давргача ўзбек тилига воситали тил орқали инглиз тилидан таржима қилинган баъзи асарларини таржимасини қиёсий таҳлилинини олиб бориш (Шекспир асарлари мисолида);
3. Ёрқин мисоллар ёрдамида бевосита таржиманинг устунлигини кўрсатиб бериш;

4. Баъзи фразеологик бирликларнинг таржимада берилиши муаммосини кўриб чиқиш.

Мавзунинг амалий ва назарий аҳамияти. Танланган мавзунинг илмий хулосалардан, амалий натижасидан, таржима назарияси ва амалиети курсини утишда, бадий асарлар таржимаси фанидан укув кулланма яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот объектлари. Тадқиқот объектлари қилиб, инглиз, рус ва ўзбек бадий асарлари, узбек ва рус таржимонларининг ишлари (Шекспир асарлари мисолида), фразеологик бирликлар олинди.

Ушбу битирув малакавий иш кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар ҳамда қўлланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ

ТАРЖИМА МИЛЛАТЛАР ОРАСИДА БЕВОСИТА МАЪНАВИЙ АЛОҚА ҚИЛИШ ҚУРОЛИ СИФАТИДА

1.1.Тиллараро мулоқотнинг моҳияти ва хусусиятлари

Таржима – бу юксак бадиий ижоддир. Ижод бўлганда ҳам баъзан аслият муаллифига нисбатан кўпроқ изланиш ва машаққат чекишни тақозо этади. Таржима лисоний, адабий-эстетик ҳодиса, сўз санъатидир. Таржимон эса ижодкордир.

Миллатлар ўртасида ўзаро алоқа қилишга эҳтиёж кучайгани сари таржимачилик фаолияти ҳам кенгайиб бораверади. «Тиллардан тилларга таржима қилиш мумкинлигини асослайдиган нарсаси шуки, жаҳон халқлари гарчи турли-туман тилларда сўзлашсалар ҳам, аммо уларнинг таффакур қонунлари бир ҳилдир», деб ёзади таржимашунос олим Ғ.Саломов. Таржима кўп соҳали, сертармоқ ва мураккаб ҳодиса. Таржиманинг бош хоссаси уни бошқа тил воситалари билан қайта яратишдан иборат. Ижодий жараён сўз санъати эканлиги ҳаммага аён.

Маълумки, таржима бевосита ёки билвосита амалга оширилади. Ҳозирги пайтгача қилинган таржималар, масалан, рус адабиёти намоёндаларининг асарлари бевосита, инглиз, немис, француз ёзувчиларининг асарлари эса билвосита (восита тил) рус тили орқали таржима қилинди. Кейинги қатор йилларда бевосита чет тиллардан қилинган таржималар ҳам пайдо бўлди. Ҳаттоки айрим адибларимиз аслиятдан таржима қилиш мақсадида чет тилларини ўрганишга киришишди [5, 21b.].

Таржима бадиий ижоднинг энг машаққатли соҳаси бўлиб, у кишидан бағоят катта билим эгаси бўлишни тақозо этади.

Таржима тенг маънолилиқ (муқобиллик) ни тақозо этади, амалга оширилган таржима аслиятга мазмун жиҳатдан мувофиқ бўлиши керак. Бу ҳодиса ҳамisha таржима назарияси ва амалиётининг асосий муаммоларидан бири бўлиб келганлиги аниқ. Таржимон фаолиятининг асосий маҳсули ва сифати ҳам зотан шунга боғлиқдир.

Таржима қилинаётган матн ёки нутқнинг қандайлигидан қатъий назар бир тилдан бошқа бир тилга таржима қилиш учун умумий бўлган иккита ҳолат мавжуд:

1. Даставвал таржима қилиш учун мўлжалланган асарни тушуниш, унинг жанрини аниқлаш ва таҳлил қилиш лозим. Бу жараён она тилида амалга оширилади.

2. Асар ўгирилаётган тилда мувофиқ ифода воситаларини топиш зарур. Буларга бадиий сўз, сўз бирикмалари, грамматик шакллар киради.

Таржима тушунчасининг маъноси жуда кенг. Бир тилдан иккинчи тилга бадиий адабиёт, драматик ва насрий асарлар, фаннинг турли-туман соҳаларига доир илмий ва илмий–оммавий китоблар, дипломатия ҳужжатлари, расмий қоғозлар, сиёсий арбобларнинг мақолалари ва нотикларнинг нутқлари, газета материаллари, бошқа-бошқа тилларда сўзлашувчи, таржимоннинг хизматига мухтож бўлган кишиларнинг суҳбатлари таржима қилинади, кинофильмлар ўгирилади[21, 34b].

Асл нусхада ифодаланган фикр бўлак тилда ҳам худди аслиятдагидай тўла, аниқ ва таъсирчан бўлиши лозим. Бундан ташқари, таржима ўша асар ўгирилган тилнинг андозасига мос, мувофиқ бўлиши даркор.

Таржима – форсча «тарзабон» сўзидан арабийлашиб ўзгарган. («тарзабон»-чиройли сўзловчи, нотик, тили бурро киши деган маънони англатади).Араб тилига «таржумон» шаклида ўтган, ундан «таржима» ёки «таржума» ҳосил бўлган. Ўзбек адиблари бундай тушунчани ағдариш, ўгириш сингари атамалар билан ифода этганлар.

Умуман, таржима деганда бир тилда ёзилган матн ёки айтилган нутқнинг бошқа тилда қайта яратилиши тушунилади. Шу маънода таржима халқлар, миллатлараро алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади.

Таржима ҳозирги даврда жамиятимизнинг жуда кўп соҳаларида амалда қўлланиб келмоқда. Телеграф ахборотидан тортиб илмий-техникавий маълумотларгача таржима воситасида бир жойдан иккинчи жойга етказилади. Таржиманинг турлари жуда кўп: расмий хабарлар ва газета

материаллари таржимаси, сиёсий публицистик адабиёт таржимаси. Бу соҳаларнинг ҳар бири ўзига хос услуб ва талабларга эга. Таржима қилишдан мақсад асл нусхани эгаллаш, сақлаш ва етказишдир, лекин янги асар яратишдан иборат эмас. Таржиманинг моҳияти эса, қайта яратишдан иборатдир.

«Ижодий жараён ёки санъат ҳисобланган таржимадан махсус фан ҳисобланмиш таржимашуносликни бир-биридан фарқламоқ лозим. Таржима назариясининг вазифаси – асл нусха билан таржима ўртасидаги нисбат қонуниятларини кузатишдан, алоҳида хусусий характердан таржима ҳодисаларидан туғилган хулосаларни илмий маълумотлар асосида умумлаштиришдан ҳамда таржимачилик амалиётига билвосита таъсир ўтказиш, унинг сифатини яхшилашдан иборат» [13, 149-150.]

Ҳалқлар бир-биридан нима билан фарқланади. Миллатнинг энг асосий белгиларидан бири тил эканлиги маълум. Чунки муайян бир ҳалққа мансуб бўлган ҳамма одамлар ўзлари учун она тили ҳисобланган тилда сўзлашадилар. Бироқ дунёда қанча ҳалқ бўлса, тилларнинг сони ҳам шунча деб хулоса чиқаришга асос бўлмайди. Бошқача айтганда, ҳалқлар сони билан тилларнинг сони ҳамма вақт ҳам бир-бирига мутаносиб бўлавермайди. Чунки бир қанча ҳалқлар бир тилда сўзлашишлари ҳам мумкин.

Масалан, инглиз тилида фақат инглизларнинг ўзларигина эмас, балки ер куррасининг турли қисмларида яшовчи бошқа ҳалқлар ҳам, жумладан, америкаликлар, шотландлар, австралияликлар, зеландияликлар, Шимолий Ирландияда ва бошқа ҳалқларнинг бир қисми инглиз тилида гаплашадилар. Масалан, немис тили нафақат Герман немислари учун она тили ҳисобланади, қолаверса, ушбу тил австралияликлар, герман-швейцарлар, эльзасликлар, люксембургликлар учун ҳам она тили ҳисобланади.

Француз тили ҳам шундай, французлар учун бу тил она тили ҳисобланса, Жазоирда яшовчи ҳалқлар, Канадада яшовчи ҳалқнинг бир қисми ҳам француз тилида сўзлашадилар. Жаҳонда 2 мингдан зиёд тил

бўлган бир вақтда бевосита «тилдан-тилга» формуласи бўйича таржима қилиш амалда ниҳоятда қийин.

Таржима мамлакатимиздаги қардош халқлар ўртасида дўстона алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришда барча миллий маданиятларнинг байналминал заминини мустаҳкамлашда фаол роль ўйнайди.

Таржима – бу фақат алоқа воситасигина эмас, балки ўзига хос лисоний-услубий ва терминологик бойитишнинг қудратли омили ҳам ҳисобланади.

Айниқса, ҳозирги даврда халқлар ўртасида ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ва ҳар томонлама алоқалар ниҳоятда жадаллашиб, зўрайиб бораётган асрда кўп миллатли маданиятнинг таржимасиз тараққий этишини тасаввур қилиш қийин [31, 12b.].

Янги авлодни тарбиялашда адабиёт ва таржима ҳам шунчалик давлат аҳамиятига молик ишдир. Бу борада бизнинг ёзувчиларимиз таржимачилик соҳасида ҳам баракали меҳнат қилмоқдалар.

Таржимада бир-бирига зид қонунлар асосан 4 тани ташкил қилади:

1. Таржима назарияси қандай бўлмоғи керак. Адабиётшунослик асосига қурилиши керакми ёки тилшунослик замирида ривожланиши керакми?

2. Таржиманинг хусусияти қандай бўлмоғи лозим: асар ҳижжалаб, сўзма-сўз таржима қилиниши керакми ёки эркин ижодий таржима бўлмоғи керакми?

3. Асл нусхада акс этган миллий ўзига хосликни қандай бериш лозим. Таржимада унинг ўзга тилга хос миллий хусусиятларини бериш керакми ёки уни ўз миллий андозасига хос бериш керакми?

4. Ҳамма нарсани билиб бўлади, ҳамма нарсани таржима қилиш мумкин ёки аксинча, тил фикрнинг қолипи эмас, балки дунёни такрорланмас бир тарзда ўзига хос идрок қилишдан иборатдирки, шунинг учун бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш мумкин эмас.

Таржимашунос олим А.Д.Швейцер ўзининг «Таржима жараёнини лингвистик ўрганиш муаммолари» мақоласида таржима назариясининг

лингвистик йўналишини топиш, белгилаш ва ривожлантиришда катта аҳамиятга эга, у ҳаётга реал вазиятга мурожаат қилишдек ғоят муҳим омилни инкор этадиган таржима жараёни моделини рад қилиш керак, деган фикрни илгари суради [18, 43b.].

1970 йилда Лейпцигда бўлиб ўтган лингвистик таржима назариясига бағишланган симпозиумда таржима масалалари А.Д.Швейцер қўйган тарзда эмас, балки бошқачароқ йўналишда муҳокама қилинди. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Икки ёки бир нечта тилда лисоний ва услубий унсурларнинг эквивалентлик (муқобил) муносабатларини ўрганиш.
2. Таржима жараёнининг қонуниятлари тамойилларини ишлаб чиқиш.
3. Таржималар матнини таҳлил қилиш схемаларини (андозаларини) яратиш.

Таржимашунослик фани умумфилологик аспектда ўрганилади. У тилшунослик, адабиётшунослик, стилистика фанлари билан узвий боғлиқ.

Таржимашунослик фани – таржима қонуниятлари, таржима қилиш тамойилларини ўрганадиган филологик фан ҳисобланади.

1.2. Таржимашуносликнинг мустақил фан сифатида ривожланиши ва унинг ўзбек тилига таъсири

Бадий таржимада аслият руҳини, моҳиятини англаш, матндаги турли туман элементларнинг лексик, фразеологик, грамматик, фонетик функцияларини, тушуниб етиш, таржиматилида уларга ҳар томоглама мос муқобиллар топиш ғоят куп камровли ва мураккаб жараендир. Бунда Л.С. Бархударовнинг таъбири билан айтганда, “икки турли хил тилларнинг лексик бирликлари уртасидаги семантик муқобиллигини топиш муҳимдир”.

Инглиз тилидаги миллий хос сузларни ўзбек тилига тилига таржима қилиш усуллари ва уларги оид муаммолар тилшуносликнинг кам урганилган соҳаларидан биридир.

Кейинги пайтларда юзага келатган лингвистик тадқиқотларда таржима муаммоларига катта эътибор берилмоқда. Таржима тилларининг камолоти учун зарурий восита сифатида, уларнинг ривожланиш суръатини жадаллаштиради, лугат бойлигини оширади ва такомиллаштиради [8, 22b.].

Таржима инсон маънавий ҳаётини бойитади, она тилининг имкониятларини рўйбга чиқаради, уни сержило қилади. Шунинг учун ҳозиргир пайда лингвистиканинг энг долзарб муаммоларидан бири таржимадир. Таржиманинг лексик муаммолари эса биринчи каторни эгаллайди.

Таржима соҳасида тилшуносларимиз қўпгина ютуқларга эришган бўлсада, миллий хос сузлар таржимаси борасидаги ишлар озчиликни ташкил этади. Миллий хос сузларнинг ўзбек тилидаги таржимаси борасидаги адабиётларнинг камлиги ва уларнинг мукамал эмаслиги бу соҳада илмий изланишлар олиб тақозо этади.

Таржима инсоният фаолиятининг энг қадимий турларидан бири бўлиб, у туфайли биз инсоният тараққиёти тарихини барча тафсилотлари билан очиқ-ойдин тасаввур этамиз.

Мамлакатимизда таржима назарияси мустақил филологик соҳа сифатида асосан XX асрнинг 50-йилларидан эътиборан шакллана бошлаган бўлса-да, таржима амалиёти бир неча минг йиллик тарихга эга. Бундан таржимачилик минг йиллар мобайнида назариясиз ривожланиб келган экан-да, деган ҳулоса келиб чиқмаслиги керак. Араб, форс, ҳинд, озарбайжон, турк ва рус тилларидан жуда кўп илмий, тарихий, сиёсий, диний, фалсафий, бадиий китобларни ўз тилларига ўгириб келган таржимонларимиз гарчи ёзилмаган, тартибга келтирилмаган, умумлаштирилмаган бўлса-да, кўп асрлар мобайнида қабул қилинган, риоя этилган маълум таржимачилик ақидаларига, қоидаларига асосланиб иш қўрганлар. 1682 йилда Абдулқосим Фирдавсийнинг Шохномасини форс – тожик тилидан ўзбек тилига Мулла Хомут Охунд назмий усулда таржима қилди. Кейинчалик Мулло Нодир Муҳаммад Бухорий Шохномани наср билан ўзбек тилига ўгирди. Маҳмуд Қошғарий XI

асрда "Девони луғоти турк" асарини араб тилига ўзи 1067-77 (хижрий 496) ўгирган. Бу тилшуносликка хос асар бўлиб, ўз даврининг энциклопедияси саналади. X-XII асрда Ар-Радуений "Таржимон-ул-балога" ("Сухандонлик таржимаси") асарини яратади.

XIV-XVI асрларда Шоир Кутб Низоминийнинг "Хисрав ва Ширин", Хайдар Хоразмий унинг "Махзан-ул-асрор" достонининг айрим бобларини, Маъсуд Ибн Аҳмад Саъдийнинг "Бустон" асарини, Сайфи Саройи унинг "Гулистон" ини узбек тилига таржима қилади.

Сайфи Саройи - истеъдодли шоир - таржимон. У 1390-91 йилларда Саъдий Шерозийнинг (эрон ёзувчиси) машхур "Гулистон" асарини узбек тилига таржима қилди. Юқорида келтилган фактлар илк таржима намуналардандир.

Ўзбекистонда таржима тарихи XI-XII асрлардаёқ шакллана бошлаган, мисол учун: Махмуд Кошгарий асарлари ("Девони луғоти турк" асарида) илк таржиманинг назарий ва амалий муаммоларини кўради. Кейинчалик Абу Али Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоӣ, Захириддин Муҳаммад Бобур изланишларида таржимага бўлган катта эътибор янада яққолроқ кўринади. XX асрда "Ўзбекистонда 1920 йилда 1 йиллик таржимонлар тайёрлаш" курси очилди. (Шарк институти қошида).

Ўзбек таржимашунослигида катта ўрин тутадиган тадқиқотчи олимлар ҳам 1930 йилларда кўпчиликлари ташкил этди.

Улар орасида ёзувчи, шоирлар-адиблар ҳам бор эдилар. Жумладан, А.Чўлпон, С.Валиев, А.қодирий, Рошк, Санжар Сиддик, Исмоил Обид, Элбек, Аъзам Аюб, Усмон Носир, Хамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Мирзакалом Исмоилий, Абдулла Каҳҳор, Миртемир, Ойбек, С.Абдулла, М.Раҳмон, А. Мухтор кабилар сермахсул фаолият олиб бордилар ва узбек таржимашунослик мактабига асос солдилар.

Ўзбек таржимашунослигида узига хос йуналиш яратган забардаст олим Ғ.Саломов ва унинг шогирдлари таржиманинг 1960 йиллардан буён равнақига беқиёс хисса қўшиб келмоқдалар. Мазкур таржимашунослар-олим

бошчилигида 1969-1970 йилларда ЎзДУ қошида таржима назарияси кафедраси ташкил этилди.

Ушбу кафедрадан шу кунгача юзлаб фан кандидатлари ва ўнлаб фан докторлари етишиб чиқдилар.

Санжар Сиддиқўзбек таржимашунослигининг асосчилардан биридир. У 1936 йилдаёқ "Адабий таржима санъати" асарини яратади (Тошкент, Ўзбек давлат нашриёти, 1936). Унда таржима назариясининг энг долзарб масалалари еритилган эди.

Кейинчалик таржиманинг назарий масалалари Асқад Мухторнинг 1952 йилда Шарк Юлдузи, 7-сонда чоп этган "Бадий таржима маҳоратини эгаллайлик" номли мақоласида ҳам ривожлантирилган.

Илмий тадқиқот ишлари борасида Жуманиёз Шарипов, Ғ.Саломов, М. Комилов ва бошқалар таржима назарияси муаммоларига бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб бордилар, докторлик ишларини амалга оширдилар, уларнинг илмий изланишлари ўзбек таржима мактаби учун пойдевор яратди.

XVIII асрда рус ёзувчиси ва таржимон Тредиаковский ўзининг "Муҳаббат оролига сафар" асарини ёзган сўз бошисида бадий таржима назариясига оид қимматли фикрларни айтган эди. "Таржимон ижодкорлардан факат ўз номи билангина фарқилади холос" деб ёзади у сўз бошида.

Ўзбек таржимачилиги тарихида Иккинчи жаҳон уруши даври алоҳида босқични ташкил қилади. Урушнинг дастлабки кунлариданок, ўзбек таржимачилиги янги, ўзига хос бир тараққиёт босқичига кўтарилди. Бу даврда янги бир йўналиш, янгича руҳ пайдо бўлди ва бутун уруш йилларида бу руҳ – таржимачиликнинг етакчи хусусияти сифатида амал қилди. Бу – жанговорлик руҳи эди. Шунинг учун бу даврда таржима қилинган асарлар асосан уруш мавзуси эди.

Таржима ўзбек адабий тили ривожига сезиларли улуш қўшди. Таржима туфайли ўзбек тилида шу пайтгача ифодаланмаган реаллик ҳар хил турмуш

тарзлари, турли халқлар ҳаёти қаламга олинди, тилимизга қанчадан-қанча реалиялар (хос сўзлар) иборалар кириб келди.

Филология фанлари докторлари Ж.Шарипов, Н.Владимировалар таржима соҳасида жиддий изланишлар олиб бордилар.

Н.Владимированинг «Рус тилидан ўзбек тилига бадий таржиманинг баъзи бир масалалари», Ж.Шариповнинг «Шеърӣ таржиманинг баъзи масалалари» деган монографиялари чоп этилди. Бу йилларга келиб таржимашунослик фан сифатида шаклланди.

Тошкентда ўтказилган Осиё ва Африка ёзувчиларининг конференциясидан кейин ўқувчиларнинг чет эл адабиётига бўлган қизиқиши янада ортди.

Француз, инглиз, немис, япон, ҳинд, вьетнам, корейс, муғул, хитой, араб, чех, турк тилларида яратилган асарларнинг таржималари пайдо бўлди.

Ўзбек халқининг хорижий халқлар билан ўзаро ҳамкорлиги ва адабий алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи, қадимда Юнонистон ва Хитой, Ҳиндистон ва Эрон маданияти билан яқиндан алоқада бўлган.

Таржима туфайли буюк сўз усталари яратган бебаҳо асарларни ўзбек ўқувчилари ўз тилларида ўқишга муяссар бўлиб келмоқдалар.

Таржима интернационализм ва халқлар дўстлиги қуроли ҳисобланади. Ижтимоий ҳаётнинг қайси бир жабҳасига қараманг, у ерда таржиманинг ҳаётбахш таъсирини кўрамиз. Тилда, тафаккурда, маданий, адабий ҳаётда, санъатда ҳамма жойда унинг ўзига хос таъсири сезилиб туради. Ўзбекистонда таржимачилик иши кенг йўлга қўйилган.

Сон-саноксиз расмий ҳужжатлар, ахборот, мақола, баёлотлар, интервьюлардан ташқари, жуда кўп таржима асарлари босилиб чиқмоқда.

Эрнест Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз», «Алвидо қурол!» романларини рус тилидан ўзбекчага таржимон И.Ғофуров маҳорат билан ўгирди. Ўн йиллик тинимсиз ижодий меҳнатдан кейин шоир Эркин Воҳидов Гётенинг «Фауст»ини ўзбек тилига таржима қилди. Асар ўзига хос бир

назмий тараннум билан ўзбекчага ўгирилди. Немис тили мутахассиси Пошали Усмон томонидан республикада биринчи бўлиб Гётенинг «Фауст» асарининг танқиди берилди [26, 57б.]. Айти пайтда П.Усмон Эркин Воҳидовдан сўнг «Фауст» трагедиясининг бадий филологик таржимасининг биринчи қисмини яратди ва уни нашрга тайёрлади. Жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бири саналмиш «Илоҳий комедия»ни Абдулла Орипов ўзбек тилига таржима қилди. Жаҳон классик адабиётининг нодир асари ҳисобланмиш бу асарни ўзбек китобхонларга ўз тилларида ўқиб, ундан баҳра олдилар.

Шу билан бирга, ёш таржимон кадрларни тайёрлаш ва Ғарбий Европа прогрессив адабиётидан мунтазам равишда таржималарни эълон қилиш каби хайрли ишлар йўлга қўйилди.

Умуман, бугунги кунда ҳам, чет эл ва ўзбек халқи ўртасидаги алоқалар кундан-кунга ривож топмоқда. Таржима амалиёти ва назарияси, соҳалари, таржима турлари, жанрлари, буларнинг барчаси бир-бири билан боғлиқ комплекс проблема ҳисобланади. Ана шу яхлит муаммонинг асосий компонентларидан бири-таржимон кадрлар тайёрлаш муаммосидир. Бу масалани ҳал қилмай туриб, таржималарнинг сифатини яхшилаб бўлмайди.

Таржима мутахассисларидан Исаак Зингер: «Таржимон синчков ўқувчи, ажойиб услубчи, сўз устаси, психолог, ҳар томонлама билимдон бўлмоғи керак», деб таъкидлайди [13, 43б.].

«Турли халқлар адабиётларининг таржима тарихида бутун онгли ҳаётини «ўзгалар»нинг асарларини таржима қилишдек эзгу ишга қўл урган талантли кишиларни топса бўлади», дейди таржимашунос олим Ғ.Саломов. Рус шоирлари В.А.Жуковский, Б.Пастернак, М.Лозинский, Лев Пенёковский; араб олими ва ёзувчиси Сулаймон ал-Бўстоний; немис адабиётчиси Мартин Лютер; ўзбек шоири ва тарихчиси Муҳаммадризо Огаҳий; рус олими Борис Смирнов, профессор, туркшунос С.Иванов, профессор Е.Э.Бертельс; атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбек адабиёти асарларини жаҳон халқлари тилларига таржима қилиб тарқатишда хизмат кўрсатган барча ижод аҳли чуқур ҳурматга сазовор. Булардан машҳур «Бобурнома» асарини инглиз тилига таржима қилган Жон Лейден, Вильям Эрскин, Анетта Бевериж хоним; французчага ўгирган Паве де Куртейл; немис халқини Алишер Навоий шеърини билан таништирган Альфред Курелла, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини немис тилига таржима қилган Н.Тун каби ва бошқа кўплаб таржимонларнинг номларини келтириш мумкин.

Озарбайжонлик таржимашунос олим Б.Тоҳирбеков шундай фикрларни билдиради: «...Таржимонларни ўқитиб тайёрланади, ҳамма гап шундаки, таржимон бўлиш учун таҳсил кўрадилар, зотан, биттадан кўп тилни эгаллаш таржима қилиш учун фақатгина зарурий, лекин сира ҳам етарли бўлмаган шарт.

Таржимоннинг профессионал кўникмалари унинг ўқиши ва мустақил мутолааси натижасида ёки ҳар иккала усулни қўшиб олиб бориш орқали эгалланади, сайқалланади, такомиллашади.» [14, 43б.]

Юқорида келтирилган фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкин:
Таржима маданиятини юксалтирмай туриб —
умумий маданий савияни кўтариш мумкин эмас.

1.3. Шекспир комедияларининг таржимаси касбий маҳоратининг асоси сифатида

Шекспир таржимонлар учун асарларини таржима қилиш қийин бўлган ижодкорлар сафига киради. У асарларида қўллаган лексик бирликлар нуқтаи назаридан (29.066 сўз), дунёда биринчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шекспир ўз асарларида 884.647 сўз қўллайди, улардан 680.755 таси лирик, 203.892 таси эса насрий матнларга тегишли. Унинг пьессаларида қаҳрамонлари томонидан 31.959 монолог ишлатилган бўлиб, ундан 21.726 таси шеърини, 10.062 таси насрий, 171 таси эса аралаш шаклга эга. Унинг лексикони (29.066 сўз) ва ҳақиқий қўллаган сўзларини (884.647) солиштириб, В.А. Хомяков [1] Шекспир тилининг энг асосий

хусусиятларидан бири- Шекспиргача бир, ёки бир нечагина маънода қўлланилган сўз ва сўз бирикмаларининг маъноларини кенгайтириш ходисаси ҳақида гапиради.

Инглиз адабиётини таржима қилишни қийинлаштирадиган умумий қийинчиликларга Шекспир томонидан ёзилган асарлар тили яна бир мунча мураккабликоар қўшади: унинг бой лексикасида тилнинг ҳамма сатҳлари учун ҳос бўлган стилистик ходисалар ўрин эгаллайди [2]. Бунинг устига Шекспир турли хил неологизмлар яратади, кўп маъноли, полисемик ва синонимик сўзларни кўп ишлатади.

Шекспир пьессаларининг тили у ишлатган метафора ва услубий бўёқдорликлар эвазига ниҳоятда гўзал ва жилвадордир. Унинг нисбатан ёшлик чоғларида ёзган асарларида бу нарса ўша вақтларда урф бўлган баландпарвоз, эвфуизтик усулга амал қилишдан пайдо бўлган бўлса, унинг нисбатан етуклик йилларида ёзилган асарларида бу нарса унинг қаҳрамонлари нутқларидан муносиб ўрин эгаллайди. Метафора и аллегориялар тушуниш учун қийин услубий бирликлардир. Шекспир қўллаган метафораларни тўлиқ маънода тшуниш учун В.П. Комарова [3], XVI асрда ишлатилган инглиз тилининг ўзига ҳос хусусиятарини ўрганиб олиб, унинг асарларини аслиятда ўқишни маслаҳат беради. Шекспир тилини тўғри тушуниш учун Эдвин Эбботнинг “Шекспирнинг грамматикаси” деган асарини ўқиб чиқиш ва “Шекспир асарларининг луғатлари”дан кенг фойдаланиш керак.

Шекспир ўз асарларини тўрт юз йилча олдин яратган. Демакки, бу ўринда таржима жараёнда ўша давр шукуҳини сақлаб қолиш керакми, бу нарса замонавий китобхонга асарни тўғри тушунишда қанчалик ёрдам бериши мумкин деган савол туғилади. Бундан ташқари, Шекспир пьессаларида қўллаган қурилмалар – турли кўринишдаги шеърӣ нутқда насрнинг қоришиб келишини таржимаси жараёнида ҳам анча қийинчиликлар пайдо бўлади.

Шекспир асарлари, авваламбор, театр учун ёзилган. Саҳна асри эса оддий ва томошабинга тушунарли бўлиши лозим. Бунда, таржиманинг

аниқлиги, матндаги жонлиликини йўқотиб юбориши мумкин, бошқа томондан эса таржима қилинган матнни тушунишда қийинчилик туғдириши мумкин.

Таржима жараёнида қийинчиликлар тиллар тегишли бўлган маданиятлар ўртасидаги ўзига ҳос хусусиятларнинг тўқнашуви натижасида пайдо бўлади. Омадли таржима чиқаришдаги энг муҳим муаммоларан бири тил тўсиқлари саналади. Таржимон ишини тилларнинг луғат бойлиги нуктаи назаридан фарқ қилиши бир томондан, грамматик томондан ўзига ҳослиги бошқа томондан, нутқ услубларининг ўхшамаслиги учинчи томондан қийнаб қўйиши мумкин.

Шекспир асарларининг қилинган таржималарини кузатар эканмиз, бири-бирига зид бўлган иккита асосий йўналишга эътибор қаратишимиз тўғри бўлади. Маълум бир таржимонлар, асар таржимаси жараёнида, гарчи бу асарнинг умумий ва таг маъносига таъсир қилса ҳам, шаклни сақлаб қоламан дея, уни сўзма-сўз таржима қилган бўлсалар, иккинчи гуруҳ олимлари, асар таржимасиди асарнинг “руҳ”ини таржима қилишга ҳаракат қилиб, ўз тилларининг қонуниятларига бўй сунган ҳолда асарнинг маъносини таржима қилишга ҳаракат қилганлар.

Бугунги кун таржимашунослиги соҳасида бир-бирига қарама-қарши маъноларни англатган “сўзма-сўз таржима” ва “эркин таржима” деган икки атама кенг учрамоқда. Бу икки таржима усулларида қайси бири энг тўғри экани ҳақидаги баҳслар икки минг йилдан бери давом этаётган бўлиб, ҳозирга қадар ўз долзарблигини йўқотмаган.

XX асрда таржима санъати алоҳида кўтарилиш босқичига эришди. 1920-1930-йилларда яшаган таржимонлар таржимада илмийлик принципига риоя этиш ҳақида гапира бошладилар. Уларнинг фикрича илмийлик атамасига аслият тилда мавжуд бўлган барча формал элементларнинг таржима тилига аниқлик ва расолик билан таржима қилинишида деб ҳисоблайдилар.

Таржима соҳасида янги давр бошланди деб ҳисоблаш шу вақт учун урфга киради, сабаби, шеърый таржима билан аслият матнига ҳос бўлган қурилманинг тўлиқ таҳлил этилиши орқали унинг аниқ қайта яратилишини

таъминлаш мумкин дея ҳисобланади. Таржимон ўз олдига шеърӣ асар ритмикаси, мисралар сони, қофияланишини тўғри таржима қилиш вазифасини қўярди [4].

XX асрнинг бошларида Шекспир ижодига мансуб пьессаларнинг алоҳида таржималари пайдо бўла бошлади. 1930-йиллардан бошлаб, то 1956 йилгача Шекспир асарларининг тўлиқ тўплами нашр эттирила бошланди. 1957-70 йилларда М.Донская, Ю.Корнеев, М.Лозинский, С.Маршак, П.Мелкова, Б.Томашевский, Т.Шепкина-Куперник каби энг сара таржимонлар томонидан амалга оширилган таржималардан ташкил топган Шекспир асарларининг рус тилидагт янги тўплами оммага таклиф этилди.

Шундай қилиб, XX асрда Шекспир асарларининг янги таржималари пайдо бўла бошлади, бунинг устига бу таржималар рус тилига бир неча мартадан ўгирилди.

Бу даврда қилинган таржималарнинг омадли чиққанига асосий сабаб, таржимонлар фақатгина шаклни сақлаш эмас, аслият тили услуби, тил хусусиятлари, муаллиф услубини ўзида мужассам этган таржималар яратишни назарда тутган замонавий таржима назарияси қоидаларига кенг амал қилишади. Бунинг натижасида аслият матни руҳияти таржимага ҳам аниқ кўчириш имкони пайдо бўлади.

1 боб бўйича хулоса

Ушбу бобга хулоса ясаб шуни таъкидлаб ўтиш жоизки Жаҳон цивилизациясида адабиёт, санъат ва фаннинг ривожланишига таржима жуда катта таъсир кўрсатган. Қадим замонлардан таржимачилик кишилар назарида иккинчи даражали касб сифатида қараб келинган бўлса ҳам ҳаётнинг барча жабхаларида ишлатилиб келинган.

Таржима тарихига назар ташлар эканмиз қайси давлатда ёки ҳудудда таржима ривожланган бўлса, мохир таржимонлар тўпланган бўлса айнан ўша жойда илм-фан, адабиёт, санъат ва маданият тараққий топган.

Антик даврдан бошлаб қадимги Греция ҳудудида тараққий топган таржима саънати милоднинг илк асрларида Рим империяси ривожига катта

хисса қўшди. Ўрта асрларда(VIII-XI) Боғдод таржима мактаби Ўрта Осиё ривожига катта хисса қўшган, ўрта аср шарқ мутафаккирлари таржимонлик маҳоратини дунёга танитган илмий, дунёвий асарлар Европада илм-фан, адабиёт ва санъат ривожига улкан хисса қўшган. Боғдод таржима мактаби ишини давом эттирган ҳолда Европада уйғониш даврида (XII-XIV) Толедо таржима мактаби таржимонлари ўзларининг шарқ мутафаккирлари асарлари таржималари билан жаҳон цивилизацияси ривожига бекиёс хисса қўшганлар.

Ўзининг узоқ тарихига ва ривожланиш босқичларига эга бўлган таржима фақатгина XX асда дунё олимлари, тилшунослари томонидан мустақил фан сифатида тан олинди. XX асрнинг ўрталарига келиб таржимашунослик фани ривожлана бошлади. Фаннинг асосчилари сифати буюк таржимашунос олимлар В.Комиссаров, А.Фёдоров, Л. Бархударов, Рецкер, Швейцер, Миньяр-Белоручев, Ю.Найда, Ж.Мунэн, Ғ.Саломов, Ж.Шарипов, Н.Владимирова ва б. меҳнатлари таҳсинга сазовордир.

1954 йилда Брюсселда бетакрор таржимон Пьер Франсуа Кайе ташаббуси билан очилган Халқаро таржимонлар федерацияси (**FIT-F'ed'eration Internationale des Traducteurs, International Federation of Translators, der Internationale Uebersetzerverband- Pierre-Fransois Caille**) дунё хамжамиятини таржимонлик касбига нисбатан ҳурмат билан қарашини, таржимонларнинг ҳаёт тарзини яхшилашга ва уларнинг меҳнат бозоридаги устунлигини кўрсатишга эришди.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги очилган кўплаб халқаро ташкилотлар (БМТ, НАТО ва б.), ўтказилган қатор концеренциялар таржимонлик касбига бўлган талабни яққол кўрсатиб берди ва шунинг натижасида дунёнинг эътиборли Олий ўқув юртларида, тил институтларида таржимонлик курслари ва йўналишлари очилди ва профессионал таржимонларни тайёрлай бошлади.

Шундай қилиб, таржима узоқ тарихга эга бўлса ҳам XX аср таржимонлик касбига нисбатан инсонларнинг қарашларини ўзгартирди ва ушбу йўналиш фан сифатишакллантирилиб тубдан ислоҳ қилинди.

II БОБ

АСЛИЯТДАГИ ОБРАЗНИ ТЎЛАҚОНЛИ ҚАЙТА ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ

2.1. Ўзбек халқига хос турмуш тушунчаларини ифодаловчи сўзларнинг бевосита ва билвоста таржимада берилиши

Халқлар турмуш тушунчаларини англатадиган лисоний воситалар хос сўзлар дейилади. Муайян бир халқ, элатга хос тушунча, нарса ва ходисаларни акс эттирадиган лисоний воситалар бадиий асарнинг миллий хусусиятини белгилайдиган асосий воситалардан ҳисобланади. Демак, ҳар қандай бадиий-баркамол асар ўзида бирдай, ҳам байналминалликни, ҳам миллийликни мужассам этиши билан ажралиб туради. Байналминаллик асарнинг мазмуни ва ғоясида, миллийлик эса унинг шаклида намоён бўлади. Бадиий асарнинг шакли қатор жиҳатлари билан бирга унинг тилини, хусусан лугат таркибининг уз ичига олади: асарнинг миллий хусусияти асосан лексик ва фразеологик бирликлар ердамида яратилади.

Байналминаллик билан бир қаторда миллийлик хусусиятини ўзида мужассам этган тилнинг таркиби ўзи мансуб бўлган тил жамоасининг моддий-ижтимоий ҳаётини, чунончи миллий урф-одат ва ананаларининг, географик тасаввурини, маънавияти ва дунёқарашининг, диний эътиқодининг, ахлокий меёрларини, тафаккур йуналишини моддий акс эттиради.

Тиллар орасидаги тафовут эса одатда бир хил халқ моддий ҳаётида мавжуд муайян тушунчалар, воқеа-ходисалар, урф-одатларнинг иккинчи халқ турмуш тарзида учрамаслиги, шу туфайли улар номларининг ҳам айни халқ тилида табиий равишда йуклигиг билан изоҳланади. Бундан ташқари, лугавий эквивалентлик муносабатида бўлган айрим икки тил жуфтликлари бир-биридан бирор хусусиятлари билан ўзига хос равишда фарқ қилишлари мумкин. Бу ҳол тил бирлиларининг миллий хусусиятини белгилаш баробарида уларнинг таржимасида ўзаро алмашинувларига тускинлик қилади.

Илмий адабиётларда халқлар турмуш тушунчаларини ифода этадиган лексик бирликларни қайси пайтларда таржима амалиётининг қандай синалган

усуллари воситасида талкин этиш лозимлиги хакида ягона фикр учрамайди. Таржиманинг ижодий жараенлигиг туфайли, бундай фикрнинг учраши ҳам гоҳо амри маҳол. Бироқ баён этилган илмий-танкидий фикр-мулоҳазалар таржимоннинг муайян ҳолларда қандай йул тутиши лозимлиги хакида тасаввурини бойитади, унинг амалда йул қуйилиши мумкин бўлган турли-туман тасодифий тугунларинин ечишга қумаклашади, унда амалий мушкилотларни мохирона енгитиш масаласини ҳосил илақди.

Бундай, кишилар турмуш тушунчаларини англададиган ҳос сузларни таржимада адекват талкин этиш, асл нусха миллий хусусиятларини китобхонга тула-туқис етказиб беришдек мураккаб муаммонинг энг масъулиятли ва ута мушқул масалаларидан ҳисобланади. Зеро, бундай ҳолда таржимон олдида уз халқи учун нотаниш, бинобарин, номлари ҳам тилда мавжуд бўлмаган тушунча, нарс ва ҳодисаларни таржима тили соҳибларига тула аңглатиш қундаланг бўлиб туради.

Халқлар тармуш тушунчаларини англададиган сузлар шубҳасиз бадий едгорликнинг миллий буюгини, унинг узига ҳослигини ташкил этади. Асарнинг миллий фазилатини белгилайдиган яна шендай омиллар ҳам учраб турадики, улар халқнинг миллий-маданий руҳияти билан боғлиқ бўлади. Бундай хусусиятларнинг таржимада эътибордан соқит қилиниши прагматик адекватликнинг ярамай қолишига олиб келади. Масалан, узбек ва тожикларда яқин утмишгача еш отанинг биринчи фарзандини уз ота-онаси олдида қулига олиб суйиши, эркалатиши нокатарлик, одобсизлик, уят ҳособланарди, еки Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг тожизабоб эски шаҳар қисмларида хали занузгача мумин-мусулмонлиги қучли айрим ҳонадонларда бирон эҳтиёж учун ажралишиб кетган ер-хотинларни қайта никоҳлаб қуйиш, ҳасталарга дам солиб (уқиб) қуйиш, назми ҳолатда етган ҳасталарнинг бошида қуръон оятларидан (қупрок ҳазрати «Ёсин» сурасини) қироат қилиб утириши, жанжаллашиб қолган ешларни яраштириб қуйиш учун ичкари ҳовлига тақлиф этилган мулла, маҳалла оқсоқоли еки бошқа бирор обрӯ-эътиборли, уқимишли шахс исломий одоб ва ахлоқ ананасига риоя қилган ҳолда, эшиқни тақиллатиб,

«Мардонами?» (маъноси: хотин-халажлар очик-сочик юришмаяптими, эркалар бемалол киравериши мумкинми) деган савол билан мурожаат килади. Ичкаридан у «Ха, мардона, мархамат килсинлар» жавобини эшитгач, эшикни очган киши талифига кура ичкарига киради.

Аммо узбек одатда эшигига юзланган хар кандай кишига аввало «Келинг!» деб уни бунга эхтиежи булмаган такдирда хам ичкарига таклиф этади. Бу халкимизнинг меҳмондустик билан боғлиқ ананадир. Келган кишини бирор сабабга кура ичкарига киритиш нияти булмаган такдирда хам барибир аввал «Келинг!» дейилади-ю, сунгра хуш хизмат деб унга мурожаат килинади. Бундай пайтда «келинг» сузи мулоқотга самимийлик бахш этиб, келган кишининг дилини юмшатади, уни хижолатликдан чикаради. Бинобарин, бундай амалий тус олган узбекона расм-русумларни таржимада бекаму куст акс эттириш хорижий китобхон тасаввурини халкимизнинг узига хос ҳаёт тарзи билан бойитади.

Абдулла Каххорнинг «Синчалак» кассасида тандирга ут екаётган Кифоятхоннинг ховлига кириб келган Саидани узбекона одобга кура «келинг» деб қаршилаши ва бу лутфнинг русча таржимада уз аксини топмай қолгани муаллиф томонидан атайлаб акс эттирилган миллий хусусиятни йукка чикаради.

Халқлар турмуш тушунчаларини ифода этадиган лисоний воситалар таржимаси буйича хали-ханузгача бизда хам, хориий мамлакатларда хам таржима амалиети равнаки учун озми-купми хизмат килиши мумкин бўлган жиддий тадқиқотлар яратилмаганлиги туфайли мазкур мавзуга оид қатор масалалар узининг илмий-амалий ечимини қутмоқда.

Таржимонни халқлар турмуши тушунчаларини аңлатадиган хос сузлар маъно ва шаклларга кура купрок уларнинг муайян контекстларда утаб келадиган вазифаларини қайта яратиш мааласи машгул қилмоғи даркор. Бу санъаткорни асл нусхадаги хос сузларни беасос таржима матнига қучириш еки мумкин булмаган такдирда хам уларни таржима тилидаги хос сузлар билан алмаштириб қуйиш ҳавфидан сақлаб қолади. Таржима амалиетига

вазифавий уйғунлик нуктаи назаридан ендошиш аслиятдаги бундай ифода воситаларнинг хажм, вазн, микдор, хислат, хусусияти ва вазифа аниклигини кайта яратади, шу билан бирга тариманинг кенг китобхон оммасига яхши тушунарли булишига эримшиш имкониятини беради.

Хос сузларни она тилига угиришда аввало уларни муайян контекстларда утаб келаетган ахборий ва услубий вазифаларини аниклаш, сунгра таржима тилида уларга ҳам хар жихатдан мос, айна пайтда шу тил меъери ва маданияти даражасидаги лисоний воситалар танлаш зарурати тугилади.

Миллий тушунчаларни ифода этадиган хос сузларнинг айримлари аслият мансуб булган тилдан ташкари яна катор халклар лафзларида учраши мумкин булган, жумладан таржима тили лугат захирасининг ҳам таркибий кисми хисобланиши мумкин. Бундай сузлар худуд, турмуш-шуроит жихатларидан бир-бирига якин, доимий муносабат ва мулокатда булиб турадиган халклар лафзида купрок учрайди. Бу таржимонни амалий кийнчиликлардан халос этади. Кавказ ва кавказ-орти халклари, рус, украин, белоруслар, узбек, козок, киргиз, туркман ва тожиклар учун умумий булган купгина миллий хусусиятли сузлар шулар жумласидандир.

Муайян халк турмуш тушунчаларини англатадиган купчилик хос сузларнинг маънолари ва утайдиган вазифалари мамлакатнинг узаро маданий, маърифий, иктисодий, сиесий алокалари натижасида катор халклар вакилларида, шу жумладан таржима тили сохибларига ҳам таниш булиб оладики, таржимонлар бундай сузларга уз тилларида мукобил лисоний воситалар кидириб юрмасдан уларни транслитерация йули билан талкин этаверадилар.

Транслитерация усулидан фойдаланишнинг асосий сабаби аслиятда кулланилган миллий хусусиятли лисоний воситаларнинг таржима тилида мавжуд булмаганлиги туфайли аслиятнинг миллий хусусиятини таржима тили сохибларига мос хусусият билан алмаштириб куйиш еки таржимани

умуман бундай хусусиятдан махрум этиш каби ҳолатларга йул куймасликдан иборатдир.

Шундай килиб транслитерация халк турмуш тушунчаларини акс эттирадиган хос сузларни таржимадад акс эттиришнинг энг самарали усулларида булиб, унинг ердамида аслиятнинг миллий хусусияти сиқик холда талкин этилади.

Ҳозирги кунда узбек тили жаҳоннинг бой ва кудратли тилларига айланган экан, уни бу даражага етказган омиллардан бири лугат таркибидаги купчилик узга халқлар турмуш тушунчаларини англатадиган лисоний воситаларнинг транслитерация усули билан қабул килиниб, тилнинг ҳар қандай нозик фикрини ҳам ифода эта олиш лаекатини ошириб юборганлигидандир.

Аммо баъзан транслитерация усули айрим таржимонлар томонидан суистеъмол килинади. Улар миллий буюкдан холи булиб, таржима тилида узларининг маъно ва вазифалари жихатларидан уйғун эквивалентларига эга булган лисоний воситаларни ҳам махкур восита ердамида талкин этадиларки, бу хол китобхоннинг баен килинган фикрни англашини мушкуллаштиради. Масалан, узбек тилидан рус тилига қатор асарлар таржимасида «раис», «хаммом», «ака», «ёр», «эшшак» каби купчилик миллийликдан холи сузларнинг миллий хусусиятли ҳисобланиб бетаржима қолдирилиши таржимонларнинг миллий хусусиятини узгача тасаввур этишларидан дарак беради.

Узбек тилидан русчага уғирилган асарлар еки дубляж килинган филмлар персонажларининг гоҳо узаро «здравствуйте», «доброе утро», «добрый день», «добрый вечер» тарзида эмас балки «салом», «ассалому алайкум» деб саломлашишларининг гувоҳи буламиз. Ваҳоланки узбекча «салом», «ассалому алайкум» шаклиялари ҳар қандай миллийликдан холи булганлари холда маъно ва вазифа жихатларидан махкур русча ифода воситаларига монанд нуткий шаклиялар ҳисобланадилар.

Уз-уздан маълумки, муайян халқ турмуши тарзини ифода сузларгина бундай тушунчаларга эга булмаган халқлар тилларига бетаржима аслиятдаги шаклида утказилади, шу тарика таржимада муаллиф матнининг миллий бугеги адекват талкин этилади. Масалан «тахмон», «хуржин». «палов», «кетмон», «паранжи», «супа» каби узбеклар турмуш тарзигагина хос ифода воситаларини бундай тушунчаларни англатадиган лисоний бирликларга эга булмаган инглиз ва рус халқлари тилларига килинган угирмаларидан бетаржима айнан келтириш аслиятнинг миллий хусусиятини саклаб қолиш билан бирган, таржима тиллари лугат таркиби кенгайиш учун замин яратаиш имкониятини беради.

Маълумки одамлар номлари асосан транслитерация йули билан угирилади. Хар бир номнинг асл нусхадагидек талаффуз килишини аксарият холларда унинг қайси халққа мансублигини билдиради. Аммо аслият тилида мавжуд баъзи харфларнинг таржима тилида узгача талаффуз этилиши номнинг талаффузда аслиятдаги номдан кескин фарқ қилиб қолишига олиб қелиши мумкин. Шу туфайли тажрибали санъаткорлар кишилар номларини ҳамма вақт ҳам кур-курона транслитерация қилавермасдан, уларнинг таржима тилида уқилиш, талаффуз қилиниш жихатларига ҳам эътибор берадиларки, натижада транслитерация транскрипция узаро қоришиб кетади.

Бадиий ижод вакиллари баъзан уз персонажларини шундай исмлар билан атайдиларки, бу номлар уша персонажлар хусусиятин узида мужассамлаштирганлари сабабли «гапирувчи номлар» деб аталадилар. Бундай муайян услубий мақсадни ифода этадиган номларни тлқин этиш масаласи амалий жихатдан ҳам, назарий жихатдан ҳам ҳалигача дуруст ҳал қилинган эмас. Чунончи турли тилларга қилинган таржималарда Ойбекнинг «Қутлуг қон» романи персонажи номи Тантибойвачча ҳам Абдулла Қаххорнинг «Тобутдан товуш» пьессаси қахрамони Загаров ҳам, Садриддин Айнийнинг «Судхурнинг улими» қиссаси қахрамони ҳам, Н.В. Гогольнинг «Ревизор» ва «Улиқ қонлар» асарлари персонажлари номлари Держиморда ва Собакевичлар ҳам, Салтыков Щедриннинг «Қаноб Қоловлевлар» асари

кахрамони Иудушка ҳам шахсларни аташдан ташкари яна персонажлар хулк-атворини тасвирлашдек кушимча вазифаларни ҳам ифода этадиларки, асарлар таржималарида, мазкур номларнинг транслитерация килинганлиги муаллифлар истагининг руюбга чиқишига йул қуймаган.

Пайгамбару авлиелар, жину ажиналар, девлар каби диний тарихий, афсонавий шахслар ҳамда гайритабиий кучлар номларини таржимада талкин қилиш амалий муҳим аҳамият касб этади. Гап шундаки, у еки бу диний-тарихий ва афсонавий шахс еки гайритабиий куч номи ҳар хил халқлар ва дин вакиллари лафзида ҳар хил талаффуз қилинади. Таржимон олдида аслиятда учраган бундай номни таржима тилидан қабул қилинган мувофиқ варианти билан алмаштириш лозим, еки уни одатдаги номлар сингари траенслитерация йули билан талкин этиш тугрими деган савол қундаланг бўлиб турадики, бу саволга таржима амалиётининг узи тугри жавоб беради. Масалан, насронийлар пайгамбари номиин инглизлар "Jesus", руслар "Иисус", узбеклар эса «Исо» тарзида талаффуз этадиларки, таржимада айна тиллардан қабул қилинган ананага риоя қилиш китобхон қуз олдида бирор юртдоши еки диний вакили эмас, балки назарда тутилган диний-тарихий еки афсонвий шахсни қонлантиради.

Диний китобларнинг муайян дин вакиллариға мансублиги уларнинг номларидан маълум. Бошқа дин вакиллари лафзида улар одатда уз талаффузларини қисман еки тула саклаб қоладилар, екинқи тилларида мавжуд бўлган узгача талаффузли вариантлари билан алмаштирадилар. Мусулмонларнинг диний китоби «Қуръон»ни руслар талаффузини қисман узгартирган ҳолда «Қоран» десалар, насронийларнинг «Библия»сир узбек тилида талаффузи тула сакланган ҳолда «Библия» деб аталади. Еки русларнинг «Евангелие»си узбек тилида «Инжил» дейилиши сабабли у таржимада шу варианти билан алмаштирилади. «Қуръон»нинг «Библия» еки «Инжил» билан алмаштирилиши еки аксинча йул тутилиши эса, сохта тасаввур ҳосил қилади. Бинобарин таржима жараенида тилда қабул қилинган тамойилға амал қилинади.

Эхтимол махкур китоблар утайдиган вазифаларига кура бир-бирига якимндир. Масалага шу нуктаи-назардан йундашиладиган булса «Библия» ва «Куръон» ҳам асосан ухшаш вазифаларни бажаришини эътибордан сокит килмаслик лозим.

Халклар турмуш тарзи тушунчаларини акс эттирадиган сузлар бевосита узларининг мантикий меёрларида эмас, балки узунлик, масофа, баландлик, арзон еки кимматлилик, арзиш еки арзимаслик каби тушунчаларни ифода этиш учун кулланилганида, уларни транслитерация килишнинг ҳам, таржима тилида уларна микдор, сифат, хажм, вазн жихатларидан якин тушунчаларни ифода этадиган лисоний воситалар кидиришга ҳаракат килишнинг ҳам ҳожати йук. Бундай ҳолларда назарда тутилган тушунчаларни вазифавий акс эттирадиган лисоний воситалар танлаш зарурати тугилади.

2.2. Рус халқига хос турмуш тушунчаларини ифодаловчи сўзларнинг таржимада берилиши

Асосли транслитерация китобхон тасаввурини бойитади, унинг тил лугат захирасини кенгайтиради масалан, русча “танцевать” сузи узининг биргина маъноси билан узбекча «раксга тушмок» бирикмаси билан мос эквивалент була олар эди. Унинг бошка бир маъноси – эркак ва аелнинг белу-кул ушлашиб даврада айланиши, бу усулда раксга тушиш узбекларга хос булмаган туфайли узбек тилида уз эквивалентига эга эмас. Махкур сузни транслитерация усулида талкин этиш эса узбек тили лугат бойлигини кенгайтиради. Ҳозирги умухалк тили лугат таркибида урин олган «танца килмок» бирикмаси азалда узбекча «раксга тушмок» бирикмаси билан синонимик катор ҳосил килгани ҳолда, омма тасаввурини бойитади..

Карта уйинининг «дураки» еки «подкидной» тури узбек жамоатчилигига маълус эмас эди. Мазкур уйинни урганиш билан халкимиз унинг номларини ҳам узица транслитерация йули билан қабул килдики,

эндилдикда, мазкур сузлар ушбу нуткий вазиятда фикр баен килишнинг зарурий воситалари сифатида хизмат киладилар.

Шундай килиб, таржима амалиетининг транслитерация усули миллий тиллар бойишига кенг йул очгани холда, уларнинг фикр баен килиш имкониятини оширади ҳамда адекват, шу билан бирган аслият миллий бўёғини китобхон куз олдида айнан жонлантирадиган ифодалар вужудга келтиради.

Шарк газалиети мафтуни булмиш буюк олмон шоири Гете уз тилига нафакат «газал» сузини транслитерация воситасида олиб кирди, балки шу жанрда узи ҳам ижод килди ва бошка ватандошларини ҳам бунга даъват этди.

Вазифавий уйғунлик хакида гап кетар экан, шуни кайд килиш лозимки, асарларида Шарк хаётини тасвирлаётган айрим узга миллат езувчилари ҳам уз тилларида мавжуд катор лисони воситалар урнига, эхтиёж сезилмаса-да, уларнинг лугавий эквивалентлари булмиш шаркона суз ва суз бирикмаларини куллайдилар. Бу сузлар ҳамма вақт ҳам муаллифлар истагига бўйсуниб, шаркона буюкни яратавермайди, чунки улар ҳеч қачон қушимча мазмун еки миллий буюк касб этмасдан, узларига мансуб бўлган тилларнинг ахборий вазифалари, шу билан бирга бошка тилда уз лугавий эквивалентларига эга бўлган воситалари ҳисобланади. М. Шевердин каламига мансуб «Етти балио азим» романининг биринчи китобини варақлар эканмиз хайрат аломатини ифода этиб, рус тилида «Боже мой!» лугавий эквивалентига эга бўлган «товба!» сузини, «Здравствуйте товарищи!» шаклида келтирилмасдан, «салом рафики» тарзида берилган бирикмани учратамизки, бу ифода воситалари асар тили софлигига, маданиятига сузсиз путур етказди.

Аслиятдаги “a dozen” ва унинг русча таржимасидаги «дюжина» сузи узининг аниқ миқдорий «ун икки» маъносида ишлатилмасдан, фмкрнинг муболагали баени учун хизмат килаётганлиги туфайли узбекча

таржимада «ун» сонидан фойдаланиш аслиймонанд ифодани юзага келтирган буларди.

Айрим нуткий вазхиятлардан “a dozen” ва «дюжина» сонлари «куп» маъносининг чама оркали ифодаси учун ишлатилади. Бундай холларда ҳам транслитерация усулига мурожаат килинмайди, балки уларга узбек тилида «унтача» чама маъно белгисини ифодаловчи «ун-ун беш» жуфт сони вазифавий мос келади.

Шу нарса ажабланарлики, «дюжина» сузи узининг моддий-мантикий маъносида аник микдорни англатиб келганида ҳам узбек таржимонлари уни купинча микдорий аник угирмасдан, транслитерация килиш йули билан китобхонларни ифода мазмунини тугри ва тула англаш имкониятидан махрум эхтадилар.

Масалага ижобий ендошиш, мушкилотни ижобий хал килиш имкониятини берган буларди. Инглизча “adozen” руча «дюжина» ҳам инглиз ва рус тилларида моддий-мантикий маъносида бирор саналадиган предметнинг «тула тупламини» англатади. Тула туплам эса ун иккитага тугри келади. Бинобарин “halfadozen” ва «пол дюжины» ярим туплам, яъни олтитадир. Масалан, ярим туплам стул, бир тупламдан ликопча, кошик харид килинади. Гохо узбек жонли сузлашувида талаффуз русча «доржи» сузи ҳам учраб турадики, у ҳам туплам маъносини ифолайди. Хуллас туржимонлар кандай лисоний воситаларга мурожаат килсалар ҳам, адекватликни таъминлашса бас. Бирок улар танлаган «дюжина» узбек тили лугат таркибига бегоналиги, «ун икки» эса туплам маъносини англатадиган анъанавий он эмаслиги туфайли адекватликни юзага келтира олмаганлар.

Рус тилида узига хос тарзда узунлик масофа тушунчасини англатиб, 2 метру 13 сантиметрни билдирадиган "сажен" сузи узбекчага асосан уч хил – вазифавий уйгун лисоний воситалар танлаш, транслитерация ҳамда узбекча «саржин» сузи билан алмаштириш йуллари билан талкин этилади. Вазифавий уйгун лисоний бирликлар танлаш йули одатда ижобий

натижаларган олиб келса, бошка йуллар адекват ифодалар яратишга ожизлик икладлар.

Маълумки турли халклар истемолидаги харфлар номланишига караб бир-биридан фарк килади. Бу уларнинг миллий хусусиятин белгалайди. Жумладан, ўтган асрнинг 30-йилларигача рус ва ўзбеклар фойдаланган харфларнинг купчилиги ухшаш еки бир хил товушларни ифода этган булсалар-да, улар алифбода турлича аталганларки, бу уларни узгача талаффуз этиш еки бирини иккинчиси билан алмаштириш миллий хусусиятни бузилишига олиб келга. Масалан, «а» товушини берадиган харфни руслар «аз», узбеклар «алиф» деганларки, тарихий шароит, утмиш воқеа-ходисалари тасвирига багишланган асарпларда кулланилган бу харфларни таржимада бериш масаласи катор амалий мушкилотларга сабаб булмокда. Айрим таржимонлар «аз»ни «алиф»га алмаштиришни маъкул курсалар, бошка бир гурухлари хозирги харф номи билан талкин этадилар, учунчи гурухлари эса харфни транслитерация килишни тугри деб хисоблайдилар.

Асил нусха мансуб булган халк диний афсоналари билан боғлиқбулиб, алохида мазмун касб этадиган, таржима тилида эса хеч кандай тимсолий маънога эга булмаган номларни талкин этишда вазифавий уйғунлик тамойилининг келиб чиқиши, бу усл ижобий натижа берамаган такдирда эса, таржима амалиетининг тасвирий йулига мурожаат килиш зарурати тугилади. Куйидаги мисол таркибида кулланилган «Иуда» (инглизча "Judar") сузи уз устози Исо пайгамбарни уттиз дона кумуш танга бадалига душманларига хоинона сотган Иуди Искарот хакидаги Инжил афсонасига боғлиқ булиб, бу ном хоинлик ва соткинликни образли ифода этадиган воситга айланиб колган:

Доносить идёшь, Иуда?

Чаккани кетаяпсанми, хоин?

Таржимадаги «хоин» сузи фикрни образли ифода этмасада, муаллиф назарда тутган мазмунини тегишли оханг ердамида кучайтириб, тасвирий

тарзда кайта яратган. «Иуда»нинг Инжил афсонаси билан богликлигидан купчилик узбек китобхонларининг беҳабарлигидан, мазкур сузни улар хоинлиқни англатадиган оддий лисоний восита сифатидагина қабул қилишни кузда тутадиган бўлсак, таржима сезиларли йўқотишга олиб келмаган.

2.3. Инглиз халқига хос турмуш тушунчаларини ифодаловчи сўзларнинг таржимада берилиши

Таржима тилида гоҳо аслиятдаги лисоний воситалар маъноларига маълум даражада яқинроқ мазмунли бирликлар учрасада, улар узларининг сифатли муқобилларидан, ҳислат, хусусият еки шакл-ҳажм-миқдор жиҳатларидан фаркланадиларки, бу тафовут уларнинг таржимада узаро алмашинувига йўл қўймайди. Масалан, аслият мансуб бўлган халққа хос пул ҳамда масофа, узунлик бирликлари, рузгор ашёлари, кийим-кечак, егулик-ичгулик қаби қўпгина тушунчаларни англатадиган сузларни транслитерация йўли билан талқин этиш асарда акс этган узига хос муҳит ва шароитнинг китобхон қўзи олдида очик-ойдин жонланишини таъминлайди. Америка Қўшма Штатлари «доллар»ининг, инглиз «фунт стерлинг»ининг, немис «марка»сию, ҳинд «рупия» сининг, афгон «афгоний»сининг транслитерация қилмасдан, узбек «сум»и билан алмаштириб қўйилиши, АҚШ «бренди»си, инглиз «виски»си, немис «шнапсе»сининг, рус «водка»си орқали талқин этилиши инглиз бошига шляпа урнига узбек «дуппи»сини, эгнига «палто» еки «плащ» урнига «тун» еки «яктак» қийидириш билан баробар. Бинобарин олгар олимлари Сергей Влахов ва Сидер Флоринларнинг, А.П. Чихоннинг «Ванкер» ҳикояси таржимонини «водка»ни бўлгор ичимлиги «ракия» билан алмаштирмаганликда айбашларига қўшилиб бўлмайди.

Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедиясида купчилик персонажлар Ҳамлетга "My lord" деб мурожаат қилган эканлар, бу уринда узбеклар албатта «Шахзодам» сузидан фойдаланишни маъқул қўрадилар. Аммо узбек таржимони рус санъатқори таъсирида сузини транслитерация йўли билан

"милорд" шаклида талкин этадики, мазкур суз кенг китобхо оммасига тушунарли эмас. "Милорд" сузи англизабон халклар билан куп асрладан буен муносабат ва мулокотда булиб келган русмларга бирмунча тушунарли булгани учун М. Шайхзода таржимасига асос булган русча таржимага эътироз билдирмаслик мумкин. Аммо кайд этиш лозимки, асарни бошка бир русча таржимасида (М. Лозинский каламига мансуб) "милорд" эмас, балки "мой принц" бирикмаси маъкул курилади.

Аслият тили мухитини яратиш максатида таржима тилида мукобил эквивалентлари булмаган лисоний воситаларни ҳамма вақт ҳам транслитерация йули билан беравериш булмайди. Таржима тили лугат таркибидан урин олмаган воситалар аксарият холларда аслиятда баен этилган фикр хакида тугри тасаввур беришга ожизлик килади. Транслитерация усули айникса микдорий тушунчаларни узига хос тарзда ифода этадиган англизча "a dozen" (ун икки), "a score" (йигирма) сузлари талкинида узини окламайди. Масалан, "a dozen" сузи турли контекстларда узининг моддий-мантикий маъносига нисбатан купрок хиссий муболага яратиш ҳамда «куп» маъносини чама оркали ифодалаш вазифаларини утаб келадики, унинг лугавий эквиваленти булмиш узбекча (ун икки) сони аник микдорлиги аник англатади. Узбекча сон англизча "a dozen" сингари бадий нутк таркибида узининг моддий-мантикий маъносидан мавсумлашиб, турли-туман услубий восита ва приемлар таркибида мажозий ишлатилиш хусусиятига эга эмас. Бундай номувофиклик англизча сузни узбек тилига факат транслитерация йули била талкин этиш лозимлигини билдирмайди. Узбек тилида мантикий маъносидан тегишли контекстларда узоклашиб, мазкур суз маъно ва вазифасини адекват акс эттирадиган «ун», «ун чоғли», «ун-ун беш» сонлари мавжудки, таржима жараенида улардан унумли фойдаланиш имконияти булсада, гоҳо таржимонлар сузни транслитерация йули билан ьериь мазмун ва шакл мутаносиблигига путур етказадилар.

В. Шекспирнинг «Отелло» трагедиясидан келтирилган куйидаги диалог таркибида "a dozen" сузи хиссий муболага яратиш учун кулланилган

экан, унинг русча таржимаси лугавий эквиваленти ердамида адекват жаранглаган. Чунки рус тилида бундай тушунчаларни англатадиган мукобил лисоний восита «дюжина» мавжуд. Аммо узбекча матндаги русча таржимадан кучирилагн «дюжина» сузини нуткимиз маданиятим адекват восита сифатида кабал кила олмаган. Масалан:

Dezdemona. I don't think there is any such woman.

Emilia. Yes, a dozen (Oth,p.l 11)

Дездемона. Шундай хотин борлигига ҳеч ишонмайман.

Эмилия. Бундайлардан дюжиналаб топилади.

Бу ерда Эмилия эрига хиенат киладиган хотинларни истаганча топиш мумкинлигини болагали баен этган экан, бундай вазифани узбек тилида «унлаб» сони ифода этадики, таржимон мавжуд имкониятдан фойдаланмаган.

«Сўна» романида Галли Жеманнинг таланти ва истеъдодини орттириб:

She is a born conspirator, worth any dozen of us. (G,106.) тарзида бахолаган экан, рус таржимони “a dozen” ни «дюжина» сузи оркали талкин этиб, прагматик адекватликка этишган булса, узбек таржимони Мирзакало Исмоилий асарнинг уччала таржимасида ҳам адекват ифода ярата олмаган. Асарнинг 1934 ва 1936 йилларида амалга оширилган таржималарида «дюжина» сузининг транслитерация килиниши китобхоннинг муаллиф максadini англашини кийинлаштирган булса, 1956 йилдаги таржимада мазкур сузнинг аник микдорни англатадиган сон ердамида угирилиши муаллиф назарда тутган муболагали ифодани услубий бетарафъа енгга айлантириб куйган. Масалан:

Jemma siyosiy faoliyat uchungina tug'ilgan, u bizdaqalarning bir dyujinamizga tog'ri keladi (C, 1934,100.)

U tug'ma inqilobchi, bizdaqalarning o'n ikkitasiga bas kela oladi. (C. 1956,96.)

Бу хил фикрларни яна катор узига хос тушунчаларни англатадиган инглизча сузларнинг узбекча таржимаси хакида ҳам айтиш мумкинж.

Таржима амалиетида катор узунлик-масофа тушунчаларни англатадиган инглизча сузлар узбекчага мавжуд вазифавий мукобил лисоний воситалар ердамида угирилмасдан, купрок транслитерация йули билан бериладики, натижада уларнинг маъноларига китиобхонларга аник етиб бормайди. Масалан “league” сузи «турт ярим километр»га тенг масофани англатар экан, куйидаги мисол таржимасида транслитерация усулига мурожаат килмасдан, у фодаланган тахминий масофани «турт-беш чакирим» бирикмаси ердамида вазифавий уйгунликка эришиш йули билан бориб, таржима килиш мумкин эди. Зеро бу ерда таржиманинг вазифаси муаллиф назарда тутган фикрни англатишдангина иборат булиши кутилмоқда:

In the forest, not more than a league from here. JA, l 12)

Бундан бир льёча нарида, урмонда. (JA.89.)

Одамлар истеъмол киладиган таомлар номларини талкин этиш хам санъаткорларданкатта масъулият талаб килади. Хар бир халкнинг бобомерос миллий таомлари бошка халкларникидан нафакат тайерланиш усули, балки мазаси хамда куриниши билан хам фарк киладики, таржима жараенида аслиятда тилган олинган таом номини таржимон тилли сохиблари истеъмол киладиган таом билан алмаштириб куйиш хам, уни бирор тасвирий воситасиз транслитерация килиш хам китобхонга аслият тили сохиби таоми хакида аник тасввур ьеришга ожизлик килади. Аксарият холларда майян персонажнинг кандай таом истеъмол килаётганлиги унинг турмуш шароити, у тушиб колган гайритабиий мухит хакида тасввур берадимки, бу мухим омилнинг имконий йуллари топиб таржимада ккайта яратилиши зарурлиги уз-уздан маълум.

Э. Хемингуейнинг «Алвидо Курол!» романи персонажининг «шур бодом» урнига «шур данак» ейиши дархол киши эътиборини узига тортади. Гап шундаки «шур бодом» Италия услубида тайерланган таом булса, «шур данак» купрок Самарканд ва Бухоро шахарларида тайерланадиган дондор таомдир. Бу хол «шур бодомнинг» таржимада «шур данак» билан алмаштирилишига йул куймайди:

I sat on a high stool and ate salted almonds.(FA,174)

Баландкурсигаутириб, шурданакедим. (AQ, 225.)

Шу асар таржимасидан келтирилган куйидаги ифода эсав китобхонга мутлако тушунарли эмас:

How about some sandwiches? (AF,175)

Сизда сендвичлар борми? (AQ,256.)

Бу ерда транслитерация усулига мурожаат килмасдан, "sandvich"ни аллқачон лафзимизга рус тили орқали кириб келган, узбек тили лугат таркибидан мустахкам урин олган «бутерброд» сузи билан алмаштириш вазифавий уйгунликни юзага келтирган булар эди. Чунки "sandwich" ва "bread-and butter" сузлари инглиз тилида маъно жихатидан бир-биридан фарк килсаларда (sandwich –орасига еки юзига пишлок, колбаса, кайнатилган гушт еки икра куйилган нон парчасидир), узбек тилида «бутерброд»нинг маъно карови кенгайиб, "sandvich" маъносини ҳам англатадиган булиб колди.

Бу сўзлар кийим-кечак номлари таржимасига ҳам алоқадор булиб, таржимонни купрок узга халқ фарзандига таржима тили сохиби либосини кийгизиб куйиш хавхи кутади. Барча узбеклар «чарм плащ»ни ҳам. «шуба»ни ҳам яхши билишлари ва уларни доим шу номлар билан аташларига карамасдан, «Сарсонлик-саргардонлик» романи таржимасида мазкур сузларнинг «тун» билан алмаштириб куйилишит персонажларнинг узбек либосида тасвирланишига олиб келган. Бундан ташкари таржимон бир-бирларига мос деб хисоблаган икки халқ либоси ташки куруниши билан ҳам кескин фарк килади: «шуба» купрок узбек пустинига ухшаб кетса, халкимиз ҳеч қачон «чарм тун» киймаган.

Хусусан уйкуга ҳозирланаётган Дездемонанинг таржимада тунги либос сифатида Эмилиядан узбек эрқаклари кундуз пайтида кийиб юрадиган либос – «тун» сураши ута мантиксиздир:

Give me my nightly wearing, and adieu. (Oth, 108)

Менинг кечки туниمنى беринг, сунгра сизга хайр. (Ot,306)

Хар бир халкнинг уз оханги, накоратлари, калбига сингибкетган ашулалари, куй ва раклари буладик, уларнинг номларини, бадий матн таркибида учраганда, имкон борича таржима тили ашула, куй ва раклари номлари билан алмаштириб куймаслик керак. Акс холда китобхон куз олдида аслият сохибларига мансуб санъат намуналари эмас, балки уз халки куй ва раклари намоен булади.

«Сўна» романининг 1934 йилдаги таржимасида аслият номи тилга олинган итальянча «тарантелла» ракси узбекча «дилхирож»га айланиб колган эди. Бундай талкин воситасида таржимон ракснинг тез ва чаккон ижро этилиши хусусиятини жонлантормокчи булган, шекилли. Аммо ифода узбекона либосга бурканиб, китобхонда зарурий тасаввур хосил кила олмаган. Уз хатосини англаган Мирзакало Исмоилий асарнинг 1956 йилдаги таржимасида рус санъаткорига эргашиб, ракс номини транслитерация йули билан талкин этган-у, сахифа тагида унга изох берган. Масаланинг бу зайлда хал этилиши амалий жихатдан мақсадга мувофиқ хисобланмасада, бу уринда шу йул илгарисидан афзаллиги билан эътиборга лойикдир.

Диний ривоятлардан маълумки, Одам Ато ва Момо Хаволар угли Кобил уз укаси Хобилни катл килади (у ер юзидаги биринчи одакушлик эди), натижада натижада унинг номи жинояткор кушанда тимсоли сифатида жахоннинг жуда куп тиллари лугат таркибидан урин олиди. Бу ном Хамлет нуткида инглиз тилида қабул килинган шаклида (Cain) кулланилган ва ва русчага ҳам шу тилда учрайдиган шаклда (Каин) талкин этилган экан, узбек таржимони ҳам уз масъулиятига ижодий ендошган:

...how the knave jowls it to the ground, as if it were Cain's jawbone, hat did the first murder! (H, 97)

...бу аблах булса, гуё биринчи одам улдирган Кобилнинг чакка суягини отаетгандай уни ерга иргитди. (H, 145)

Бу ерда гап (Cain) ни (Qobil) билан алмаштириш лозимлиги устидагина бормаяпти. «Кобил» нинг тегишли матний холатларида одам кушлик тимсоли сифатида жонланиши узбек жамоатчилигининг кам кисмига маълум

булганлиги (собик шуро тизими оммани динга алокадор барча маълумотлардан махрум этган эди), яъни мазкур суз воситасида фикрни образли ифодалаш кенг омма нуткига хос эмаслиги туфайли таржима амалиетининг бу усулидан фойдаланиш хама вақт ҳам узини оклайвермайди. Аслиятда шайтоннинг Канни, яъни Кобилни йулдан оздириб, кушандага айлантирганига шаъма килиниши оркали образли ифода яратилган булса бундай услубий таъсирчанликни таржима тилида узгача образли асосли восита танлаш йули билан акс эттириш мумкин эди.

Ифода имкониятларига кура бир-бирларидан фарк киладиган аслият ва таржима лисоний воситалари мажозий кулланилганда узаро контекстуал уйғунлик юзага келади. Зотан инглизча "acre" сузи 4041 кв.м. майдонни, русча «вершок» 4.4 см.га тенг узунлик улчовини, узбекча «қарич» эса таранг езилган бошбармок билан чинчалок орасидаги масофани англатса, қуйидаги мисол ва унинг таржималарида мазкур сузлар мантикий маънолардан узоклашиб, «кичик майдон» тушунчаси ифодаси учун фойдаланганликлари туфайли бир-бирларига вазифавий уйғундирлар:

I explored every acre of its surface. (TI,53)

Uning har bir qarichini tekshirdim. (XO,44.)

«Кирол Лир» трагедияси персонажи нуткида ҳаёти маълум даражада денгиз ва кемалар билан боглик халқлар тиллари лугат таркибига мансуб "mast" (русча мачта) сузидан баландлик улчови сифатида фойдаланилган экан, бу вазифа таржимада «терак» воситасида қайта яратилган, натижада жонли нутққа хос узбекона ифода юзага акелган:

Ten masts at each make not the altitude,

Which thou hast perpendicularly fell. (KL,140.)

Сен йиқилган шу қоянинг, шу учиримнинг

Баландлиги оз деганда ун терак бўйи. (KL,446.)

Айрим матний ҳолатларда мантикий маъноларни тарқ этиб, мажозий тарзда турли-туман тушунчаларни ифода этадиган лисоний бирликлар бир нечтадан вазифаларни утиб келишлари мумкинки, бундай ҳолларда қупинча

улрага таржима тилидан мазмунан фарк киладиган лисоний воситалар мос келади.

В. Шекспирнинг «Ун иккинчи кеча» комедиясининг бир шаклида „twopence" кйимати паст нарса тушунчасини жонлантурса, бошка бир уринда харид кувватига эга булган маблаг маъносини англатадики, бу контекстуал маъно-вазифалар узбек тилига хар хил семантикали лисоний воситалар ердамида адекват талкин этилган:

Sir Toby will be sworn that I am not fox; but he will not pass his word for two pence that you are not fool. (TN,546)

Сер Тобименинг тулки эмаслигимга он тичишга тайер, аммо сенинг ахмок эмаслигингга корачака хам тикмайди.

I would not be in some of your coats for twopence. (TN, 591)

Тилла берсаларинг хам сенларнинг урнингда булишни истамайман.

II боб бўйича хулоса

Маълумки, персонаж образи оркали муаллиф узининг хаётга, атроф-мухитга, одамларга, воқеа-ходисаларга муносабатини ифодалайди. Шу сабабли аср персонажининг образида муаллифнинг дунёкараши, фикр мулохазалари уз аксини топади. Образлар тизими бадий асарлар албатта шу асарнинг мавзуси билан боғликлигини, уларни таржимада акс эттирилиши узига хос кийинчиликларни тугдириши табиий. Асар персонажининг ана шу узига хос хусусиятларидан унинг образи яратилади. Персонажнинг характеридаги узига хосликлар, унинг рухияти, атроф-мухитга муносабати, хатти-харакатлари ана шу образда уз аксини топади. Таржимон учун асосий кийинчилик персонаж характеридаги ана шу узига хосликни илғаб олиш, унинг кандай инсон эканлигининг мохиятини очиб берувчи ана шу белгиларини англаш, фахмлаш, ва уни муаллиф кузда тутган даражада таржима тили китобхонларига етказишдир. Худди мана шу жихатларни тугри англаш таржимонни персонаж образини муаллиф кузда тутгандек кайта яратиш имкониятини беради. Айни пайтда асар персонажининг карама-карши, чалкаш, гайри-табиий хатти-харакатлари хам таржимонни хайратга

солмаслиги, персонажнинг айнан мана шу узига хосликлари унинг образини ифодалаганлигини унутмаслик керак.

Албатта бу уринда турли вазиятларда персонаж турлича оҳангда, шаклларда гапиришини ҳам унутмаслик керак. Асар аслиятдан рус тилига, русчадан узбек тилига угирилиши жараенида афсуски аслиятдаги ана шундай индивидуаллик узига хосликларга пуптур етказилади.

Хулоса қилиб айтганда, персонаж образининг қайта яратилиши унинг нуткидаги, характеридаги, ташки қиефасидаги, хатти-харакаитларидаги, фикрлашидаги узига хосликларни аслиятдаги мос келадиган бадиий воситаларни танлашни талаб қилади.

Таникли таржимашунос Н. Владимирова персонаж нуткини таржимада беришда унинг аслиятдаги оҳангига, айрим сузларининг такрор-такрор ишлатилишига, бу нуткнинг бошқаларникидан фарқловчи белгиларига алоҳида эътибор беришни таъкидлайди. Айни пайтда персонажнинг ташки қиефасидаги белгилар, ажинлар, доғлар алоҳида аломатлар ҳам таржимада тулақонли ифодаланиши персонажнинг психологик образини, ички дунесини акс эттирувчи муҳим белгилардир.

Айниқса персонажнинг маълум бир пайтдаги хатти-харакати, воқеа-ходисаларга муносабати, персонаж характери қил белгилувчи муҳим хусусиятларни, уларни таржимада тушириб қолдириш, еки ортиқча сифатлар қушиб угириш нафакат образнинг тулақонли ифодаланишига, балки асарнинг бадиий-эстетик савиясига, муаллиф услубидан узоқлашувига ҳам олиб келади. Бу уринда таржимон асарни рус тили орқали узбекчаштиргани ҳам, аслият тилини қилмаслиги ҳам, оригинал руҳини, муаллиф ниятини, услубини яхши англашга, персонажлар нутқини, характери қил, хатти-харақатларини яхши англашга қалал берганлигини таъкидлаш мумкин. Назаримизда асарнинг инглизча, русча, узбекча вариантларини қилесий урганиб, йул қуйилган хато ва қамчиликларини аниқлаш таржима илмини урганаётган еш мутахассислар учун бой фактик

материал бериши, охир-окибат асарнинг бевосита таржима вариантнинг яратилишига олиб келиши мумкин.

III БОБ

БАДИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА БЕВОСИТА ВА БИЛВОСИТА ТАРЖИМА

3.1. Бадий таржиманинг мазмуни, хусусияти ва асосий шартлари ҳақида

Адабиётшунослик фанининг ҳозирги тараққиёти шуни кўрсатадики, ҳеч бир халқ адабиётини бошқа адабиётлардан ажратиб олиб, алоҳида ўрганиш мумкин эмас. Чунки жаҳон адабиёти ягона организм бўлиб, у катта-кичик турли миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири ривожидан таркиб топади. Кишилар ер юзининг турли минтақаларида яшаб келишларидан қатъий назар, яратилган маънавий бойликларини ўзаро баҳам кўришга интиломқдалар, бир-бирларининг санъатидан, бадий кашфиётларидан завқланиб, қалбан ва руҳан яқинлашиб бормоқдалар.

«Кундалик алоқа воситаси бўлган тилга нисбатан бадий адабиёт тили – деб ёзади А.В.Федоров, -бусўз усталари томонидан қайта ишланган тилдир^[1].

Таржима миллатлар орасида бевосита маънавий алоқа қилиш курали. Чунки у маданий бойликлар, кишиларнинг кўп асрлик эзгу армонлари, ғояси ва қарашлари мужассамланган асарларни ўзга тил соҳиби бўлмиш халққа етказди, халқнинг кўнгил дафтарини намоиш этади.

Жаҳондаги турли-туман тилларда яратилган бадий адабиёт асарлари катта таржима йўлида айрибош қилинади. Таржимасиз, фақат ўз ички ресурслари ҳисобигагина ривожланадиган, узок ва яқин бошқа халқлар бунёд этган маданий бойликлардан баҳраманд бўлмаган «соф» миллий «тиниқ» маданият, адабий ўзгармас «тоза тил» йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Агар таржима бўлмаганида миллий маданиятлар ва инсониятнинг буюк даҳолари бунёд қилган ўлмас фан ва санъат обидалари яккаланиб қолган бўлар эди.

Таржима интернационализм ва халқлар дўстлиги курали. Таржима йўли билан миллий маданиятлар бир-бирларини бойитадилар. Тилда, тафаккурда,

¹ А.В.Федоров. Язык и стиль художественного произведения. М., ГИХЛ. 1963.

маданий адабий ҳаётда, санъатда ҳамма жойда унинг ўзига хос таъсири сезилиб туради. Таржима, айниқса сўз санъати бўлган бадиий адабиётда катта ўрин тутди.

Қардош халқлар адабиёти ва жаҳон адабиёти намуналарининг ўзбек тилига таржима қилинаётганлиги таржимашунослигимизнинг катта муваффақиятлар билан олға ривожланаётганлигидан далолат беради. Миллий маданиятимизнинг жаҳон халқлари маданиятларининг энг яхши анъаналари билан яқинлашувига, халқлар ўртасидаги дўстликнинг кучайишига ва ўзбек китобхонларининг жаҳон адабиёти намуналаридан баҳраманд бўлишига хизмат қилади.

Зотан, фан, маданият ва техника соҳасида рўй бераётган аксари оламшумул ҳодисалар бевосита таржима туфайли оммалашади. Бадиий таржиманинг тарбиявий, сиёсий, ғоявий ва эстетик аҳамияти ҳамда маърифатпарварлик ролининг бундан кейин ҳам тобора ошиб боравериши давр, замон талабидан келиб чиқади.

Халқимизни жаҳон фани, техникаси, маданияти ва ижтимоий фикр тараққиётининг буюк ютуқларидан баҳраманд қилиш, халқлар дўстлиги руҳида тарбиялаш каби муқаддас вазифани амалга оширишда таржимачилик иши ғоят катта аҳамиятга эга.

Бизнингча, ҳам тўғри ва чиройли таржимагина мукамал ва идеал санъат асари бўла олади. Бундай таржима яратишнинг ўзи эса чинакам санъатдир. Бундай санъат таржимондан тўғри таржима қилиш доирасида чиройли таржима этишни ва чиройли таржима этиш доирасида тўғри таржима қилиш маҳоратини эгаллашни талаб этади. Таржима амалиётида куйидаги хилма-хилликлар учраб туради.

1. Таржимонларнинг тажрибаси, малакаси ва эътиқоди бир-биридан жиддий фарқ қилиши натижасида келиб чиқадиган тафовутлар.
2. Таржимонларнинг таржима қилиш принципларини ҳар хил талқин этишлари туфайли келиб чиқадиган тафовутлар.

3. Таржимонларнинг услуби муаллиф услубига таъсир этиши натижасида табиий рўй берадиган тафовутлар.

Ана шу учта сабаб туфайли муайян бир асарни масалан ўнта таржимон ўз тилига ўгирса, натижада бир-биридан фарқ қиладиган ўн хил таржима ҳосил бўлади.

Бадиий таржимада муаллиф услубини ҳар бир таржимон ўзига хос услуб билан тиклашга интилиши таржимачилик амалиётида юз бераётган ана шу тафовутларга сабаб бўлади.

Агар таржимада муаллиф услуби тўғри берилмаган бўлса, бундай таржиманинг асл нусхага мослигига асло ишониб бўлмайди. Унда таржимон, беихтиёр муаллифнинг ўрнига ўзини қўйган бўлади. Таржимоннинг икки тилни мукамал билиши, турмуш тажрибаси, бадиий маҳорати ҳамда ёзувчи услубини тўла эгаллаши ва буни таржимада қайта тиклай олиши қанчалик зарур эканлигини яққол кўрсатади.

«Услуб» тушунчаси тор маънода талқин қилинганда асарда тасвирланган персонажлар нутқининг ўзига хос услуби тушунилади. Ҳар бир сўзнинг ўз услуби борки, албатта имло луғатидан сўзларга қараб, уларнинг услуб хусусиятларини аниқлайман дейиш беҳуда уриниш бўлар эди. Сўзларнинг услуб хусусиятлари бадиий матн ичида, сўзларнинг бирикишида очилади.

Масалан: «ўлмоқ» сўзи «дунёдан ўтмоқ, оёқ чўзмоқ, кўз юмди, абадий уйқуга кетди, жони узилди, куни битди, бандаликни бажо келтирди, асфаласофилинга жўнади» каби бирикмаларнинг ҳар бирида ўзига хос стилистик маънога эга. Бу стилистик вариантларнинг ҳар бирини ўз ўрнида ишлатишнинг катта амалий аҳамияти бор, башарти улар ноўрин қўлланса қўпол хато келиб чиқиши мумкин. Масалан «дунёдан ўтди» ўрнига «жони чиқди» деб бўлмайди^[1].

Қуйидаги мисол таркибида қўлланилган «Иуда» (инглизча "Judas") сузи уз устози Исо пайғамбарни ўттиз дона кумуш танга бадалига душманларига хоинона сотган Иуди Искарот хақидаги Инжил афсонасига боғлиқ бўлиб,

¹ Ғ.Саломов. Таржима назариясига кириш. Ўқитувчи нашриёти. Тошкент, 1978. 109-143 бетлар.

бу ном хоинлик ва сотқинликни образли ифода этадиган воситга айланиб қолган:

Доносить идёшь, Иуда?

Чаккани кетаяпсанми, хоин?

Таржимадаги «хоин» сўзи фикрни образли ифода этмасада, муаллиф назарда тутган мазмунини тегишли оҳанг ёрдамида кучайтириб, тасвирий тарзда қайта яратган. «Иуда»нинг Инжил афсонаси билан боғлиқлигидан кўпчилик ўзбек китобхонларининг беҳабарлигидан, мазкур сўзни улар хоинликни англатадиган оддий лисоний воситаси фатидагина қабул қилишни кўзда тутуадиган бўлсак, таржима сезиларли йўқотишга олиб келмаган.

Бадий асарни таржима қилиш учун тилнинг луғат бойлиги, чунончи синоним ва омонимлар, касб-хунар терминлари, диалектал, эскирган ва вульгар сўзлар, эркалаш ва кичрайтириш, қочирик, матал ва идиомаларни ҳамда сўзларнинг муסיқийлигию, оҳангдорлигини, кўп маънолилигини, тилнинг талаффуз нормаларини, муболаға ва кичрайтириш хусусиятлари, юмор-ҳазил-мутойиба формаларини билиш зарур.

Таржимашунос олим Ғайбулла Саломов, бадий асарни қайта яратиш жараёнида амалга ошадиган уч босқич тўғрисида тўхталиб, шундай фикрни келтиради:

1. Асл нусхани таржимон қандай қабул қилиши (тушуниши).
2. Асарни реал, авторнинг мақсад-муддаоси ва унинг ўзига хосуслубини қандай талқин қилиши.
3. Сўз санъати намунасини ўз она тилида қайта тиклашда муқобил восита топа олиши.

Бадий таржимани илмий тавсифлаш шундан иборатки, бунда сўзни сўз билан эмас, балки маънони маъно билан, оҳангни оҳанг билан, образни образ билан, юморни юмор билан бериш муҳим аҳамиятга эгадир».

Бадий таржиманинг бошқа турдаги таржималаридан фарқи шундаки, сўз, жумла ёки бутун бир асарни тўғри ўгириш кифоя эмас. Бунда таржимон ҳам санъаткор бўлиши лозим¹.»

Шекспирнинг «Хамлет» трагедиясида кўпчилик персонажлар Хамлетга "My lord" деб мурожаат қилган эканлар, бу ўринда ўзбеклар албатта «Шахзодам» сўзидан фойдаланишни маъқул кўрадилар. Аммо ўзбек таржимони рус санъаткори таъсирида сўзни транслитерация йўли билан "милорд" шаклида талқин этадики, мазкур сўз кенг китобхон оммасига тушунарли эмас. "Милорд" сўзи инглиззабон халқлар билан кўп асрлардан буён муносабат ва мулоқотда бўлиб келган русмларга бирмунча тушунарли бўлгани учун М. Шайхзода таржимасига асос бўлган русча таржимага эътироз билдирмаслик мумкин. Аммо қайд этиш лозимки, асарни бошқа бир русча таржимасида (М. Лозинский қаламига мансуб) "милорд" эмас, балки "мой принц" бирикмаси маъқул кўрилади.

Таржимонлар ўзга миллий адабиётларда мавжуд бўлган энг сара, катта ижтимоий, адабий-эстетик ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган китобларни ўз тилларига ағдаришга ошиқадилар. «Қайта яратиш билан боғлиқ умумий адабий эстетик жараённинг уч томони: танишувдан келиб чиққан таржима, таржимадан келиб чиққан танишув, ҳамда буларнинг ҳар иккаласидан ҳосил бўлган таъсир бир-бири билан диалектик тарзда чамбарчас боғлиқдир².»

3.2. Бевосита таржимада бадий услубнинг тикланиши

Бадий таржима халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни шакллантириш ва мустаҳкамлашда бир халқнинг маданий бойлиги, ҳаёти, турмуш тарзи ва манавий ютуқларини бошқа халқларга таништиришда муҳим ўринга эга. Таржима туфайли ўзбек ўқувчилари рус ва чет эл ёзувчиларининг асарлари билан ўз она тилида танишишни давом эттирмақдалар. Рус матахассисларининг улкан таржима тажрибаси ўзбек

¹ Ғ.Саломов. Таржима назарияси асослари. Тошкент, 1983.

² Ғ.Саломов «Дўстлик кўприклари» Тошкент, 1979, 3-6 бет.

таржимачилиги учун мактаб вазифасини бажаради. Бундан ташқари рус тили жаҳон адабиётини ўзбек тилига таржима қилишда доимий воситачи бўлиб келди. Чет тили мутахассисларининг етишмаслиги, етарли таржима тажрибасининг йўқлиги ва шунга ўхшаш бошқа омиллар воситали таржимага бўлган талабни кучайтирди, бу эса ўз навбатида ўзбек адабиётида чет эл асарларининг кўпайишига олиб келди. Лекин шу ютуқлар билан бир қаторда қатор камчиликларни ҳам ушбу битирув малакавий ишмизда кўрсатиб ўтишни мақсад қилдик.

Таржима мураккаб жараён ҳисобланади бунда тўлиқ яхлитликка эришиш учун таржимонга бадий сизги, қобилият ва кенг ақл идрок етишмаслиги мумкин. Таржима қилинаётган асар тили ва ўз она тилини яхши билиш билан бир қаторда таржимон муаллиф услуби, асарда тасвирланган образлар характери, ҳаёти, урф-одатлар, турмуш шарт шароитлари, психология, шу билан бирга тарих, адабиёт диний ва миллий қарашлар асардаги турли ҳолат ва жараёнлар ҳақида чуқур тасавурга эга бўлиши керак. Адекват таржима учун нафақат асар бадий бутунлик сифатида акс этиши, балки унинг тили ва услубини муаллиф ўзи тасвирлагандек тасавур қилиниши керак. Агар таржимон асар тилини билмаса ва унинг тағлама таржималари ёки билвосита қилинган таржималари нусхаларидан фойдаланиб таржима қилса, аслият матни ва таржиманинг мослиги борасидаги муаммолар янада кўпаяди. Асл нусхани бошқа нусхалар воситасида таржима қилишда асарнинг мазмун ва шакли ўзгаради ва бу муаллифнинг индивидуал услубини йўқолишига ва кўплаб бошқа хатоликларга олиб келади. Таржимада асарнинг ўзига ҳослигини тиклаш муваффақиятли амалга ошиши учун, даврлар характери, муаллифнинг бадий ижодий услубини асар қаҳрамонлари нутқини таржимон имкон борича тўғридан-тўғри асл нусхадан таржима қилиши керак.

Охириги 10 йилликлар ичида Ўзбекистонда таржима назаряси ва амалиёти ривожланди. Жаҳон адабиётининг шоҳ асарларини ўзбек тилига ва аксинча ўзбек адабиётининг шоҳ асарларини бошқа тилларга таржима қилиш

анъанаси, кўплаб тишуносларни ва таржимонларни таржима назаряси билан жиддий шуғулланишга чорлади. Ўзбек таржимонлиги соҳасидаги мазкур шарт шароитлар янада олдинга одимлашга чорлаяпти. Бунда чет тили асарларини ўзбек тилига тўғридан-тўғри таржима қилиш кўзда тутилмоқда. Бадий таржима санъати асоси мазмун ва шаклнинг яхлитлигини сақлаш асл ва нусха руҳини тўла етказиш билан чамбарчас боғлиқдир. Таржимон асл нусханинг мазмун ва шаклнинг бадий эстетик бутунлигини тиклашга эришиши керак.

“Контекст” ҳар сафар сўзнинг моҳиятини аниқлаштиришда унинг атрофида бошқа бирликларини мавжуд қилишда муҳим аҳамият касб этади. Асл нусхага бўлган эътиборсизлик ва рус тилига боғланиб қолиш сўзма сўз таржимага олибкелади. Масалан, О.Генрининг “Қиртишланган бўри” асаридаги “squel-squel to the police” рус тилида “караул полиция” ундов сўзи билан алмаштирилиб мос таржимага эришилади. Лекин ўзбек тилида “караул” сўзи таржимон орқали бошқа маънода кўрсатилиши сўз асл моҳиятининг йўқолишига олиб келади: “If he get the money, you can squeal to the police”. // “Если ему удастся заполучить твои денежки, ты вопишь: караул, полиция!” // “Башарти у сенинг пуллариңни олиб қўйишга муяссар бўлса, дарров: - Қоровул! Полиция, - деб бақирасан!”

Бу мисолда рус тилида берилаётган “караул” сўзи ўзбек таржимони томонидан нотўғри талқин қилиниши натижасида, “қоровул, қўриқчи” каби маъно кўчиши содир бўлмоқда. Аслида рус тилида бу сўз ундов сўзга айланиб кетган бўлиб, бирор балога учраган одам хавф-хатарни сезган вақти ушбу иборани бошқа одамларнинг эътиборини тортиб, ёрдамга чақириш учун қўлланилади. Шунинг учун ҳам, ўзбек тилига бу сўзни “Вой дод! Дод!” деб таржима қилиш мақсадга мувофиқроқ бўларди. Таржимон ҳар доим контекст маънонинг таржимада акс эттирилишини инобатга олиши керак.

Ёки шу каби тушунмовчиликка сабаб бўладиган бошқа бир таржимани ҳам мисол қилиб кўрсатиш мумкин:

And that afternoon Sue came to the bed where Johnsy lay, contentedly knitting a very blue and very useless woolen shoulder scarf. // В тот же вечер Сью подошла к кровати где лежала Джонси, с удовольствием довязывая ярко-синий, совершенно бесполезный шарф. // Жонси ҳозир унга мутлақо керак бўлмаган, оч-ҳаво ранг шарфни зўр хавсала билан бўйнига боғламоқда еди.

Таржимадан шу нарса маълум бўлмоқдаки, таржимон асарнинг аслият нусхасини очиб ҳам қараб кўрмаганининг натижасида О.Генрининг “Сўнгги япроқ” деб номланган ҳикоясининг қаҳрамони Жонси, нима учундир кераксиз бир шарфни бўйнига **боғлаш** билан овора бўлиб қолади. Аслида эса, Жонси бу шарфни боғлаш емас, тўқиш билан машғул бўлган эди, аслият матнидан беҳабар таржимон еса, бунга эътибор бермасдан, рус тилидаги “вязать” сўзини “тўқимоқ” емас, “боғламоқ” дея таржима қилиб қўяди.

Бадиий таржима жараёнида шундай ҳолатлар ҳам бўладики биз юқорида кўриб ўтганимиз, микроконтекстдан ҳар доим ҳам гапнинг маъносини англаб олиб бўлмайди. Бу каби ҳолатларда, таржимонлар ўзининг фон билимларига таяниб иш кўришлари керак бўлади. Ўзбек тилида одатда ҳурматли ва ёши катта кишилар билан мулоқот қилиш жараёнида “-сиз” суффикси ва “сиз” олмошини сўзларнинг охирига қўшиш қабул қилинган. Рус тилида бу ҳолат “ты” ва “вы” сўзлари ёрдамида фарқланади. Инглиз тилида еса бу кўрсаткич ҳар қандай ҳолатда ҳам “you” тарзида берилади. Шунинг учун ҳам, қаҳрамон “сиз”лаб ёки “сен”лаб гапираётганини умумий катта контекстинг воситасида таржимон аниқлаб олиши зарур бўлади. Шунинг воситасида одоб-ахлоқ қоидалари нормалари сақлаб қолинади:

Why, last night, dad, we heard her say, I played it ever so much. Honest –I have been playing it. And it’s such a splendid instrument; you don’t know how I love it. I didn’t like to play loud when you was so sick.

Ну как же, папочка, услышал-ли ты её голос, -вчера вечером я очень много играла. Честное слово я играла. Такой это замечательный инструмент, что ты даже представить не можешь, как он мне не нравится. Мне не хотелось играть громко, пока ты болен.

Нега ундай дейсан отажон, - деди қиз, -кеча кечқурун жуда кўп чалдимку. Худо ҳаққи, отажон ростданам чалдим. Нимасини айтасан шундай ажойиб пианиноэканки, асти қўя бер, у менга жуда, жуда ёқиб тушди. Сен бетоб бўлганинг учун қаттиқ чалгим келмади.

Муаллифнинг ғояси бўйича О. Генрининг “Пианино” асаридаги қаҳрамон қиз жуда ҳам меҳрибон ва тарбиялидир, дадасини дидини ерга урмаслик ва унинг санъатда ҳеч нимани тушунмаслигини яшириш, ҳамда оқибасиз бўлиб кўринмаслик учун у дадаси олиб келган бир товуш ҳам чиқмайдиган бузуқ пианинода ўйнашдан воз кечади у бу сирни дадасини ўлимигача сақлаб фақат уни ўлиmidан сўнггина очади. Мана шундай яхши тарбияланган қиз нима учундир ўзбекча таржимада отасига мунтазам зарда қилади, лекин бу ўзбекча одоб ахлоқ қоидаларига тўғри келмайди. Натижада, қаҳрамоннинг нутқи ва ўзини тутиши орасида қарама-қаршиликлар юзага келади. Бундан хулоса қилиш мумкинки таржимон муаллифни умуман тушунмайди шунчаки русчадан таржима қилади.

Асл нусханинг миллий ўзига хослигини тиклаш бадиий асарнинг таржима қилиниш муаммолари билан чамбарчас боғлиқ. Маълумки, бадиий асарларда маълум бир халқнинг воқеълик омиллари бадиий образли шаклда ифодаланилади. Образларнинг ўзига хос жихатлари ва характерлари асарда фразеологик бирликлар орқали ифодаланилади. Улар ҳар битта тилда ўзига хос ифода шаклига ега. Фразеологик бирликлар халқнинг маданиятдаги ўзига хослигини тил тизимида мустаҳкам ўрнашади ва бу билан маълум бир миллий рух бағишлайди.

Ибораларнинг миллий колорити, улар таркибидаги маълум бир бирликлар иштирокида шаклланади. Маълумки турли хил географик номлар ҳам ибораларнинг таркибий қисми бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мисол учун қуйидига иборалар таркибига мамлакат, шаҳар, қишлоқ, дарё, саҳро номлари ҳам киради. Бу ибораларнинг баъзилари мазмун ва маданияти жихатидан фақат ўзбек халқи учун хосдир. Бу каби бирликларнинг таржима тилида берилишида йўл қўйилган хатоликлар одатда бутун бошли матнда

ғализликларни келтириб чиқаради. Бундай ибораларнинг қўлланилиши асл нусхадаги тилининг ўзига хослигига мос келмай натижада миллий колоритга зарар етказади. В.Ирвингнинг, “Иблис ва Том Уокер” ҳикоясининг ўзбекча таржимасида таржимоннинг ҳато танлови туфайли кулгили ҳато юзага келган, унда бир ибора рус тилидан фарқли ўлароқ ўзбек таржимасида ёрқин миллий рангдорликка эга:

I'll drive them to d-!''

Я буду доводить их до самого дьявола!

Онасини уч қўрғондан қўрсатаман

“Онасини уч қўрғондан қўрсатмоқ” ибораси ёрқин ўзбек миллий характериға эға. Бу ўринда уни қўллаш ножоиз. Бундай фразеологик бирликлардан фойдаланиш асл нусханинг миллий рангдорлигига зид. Бунда инглиз одамининг ўзбек миллий реалиясини ўз ичига олган фразеологизмини қўллаши, китобхонда нотўғри таассурот уйғотиши мумкин бўлади.

Агар асл нусха матни сўзларининг таржима матни таркибига киритиш ҳолатлари таржима амалиётда хатарли бўлса, миллий моҳиятни ифодаловчи бундай тил бирликларини таржима қилиш ўта қалтис чунки бунда таржима асл нусха билан умуман мос келмаслиги мумкин. Бундай ҳолатлар маълум бир тил сохиблари учун дарров кўзга ташланади. Бунинг натижасида ортиқча тафсилот ва мазмуннинг йўқолиши юзага келиши ҳам мумкин. Чунончи, О.Генрининг, “Золото и любовь (Олтин ва муҳаббат) новелласида, “прерия сўзининг моҳиятини ўқувчига етказиш учун ўзбек таржимони халқаро бирлик (реалия)ни, “дала” сўзи билан оммалаштиради:

“And then Anthony Rockwall <...>shouted, “Mike!” in the same voice that had once chipped off pieces of welkin on the Kansas praries //И тут Энтони Рокволл заорал:<<Майк!>>, тем самым голсом, от которого когда-то чут не лопалось небо над Канзасскими прериями// Антони Рокволл бир вақтлари Канзас далалари осмонларини ларзаға келтирган товуши билан <<Майк!>> деб бақирди.

Бу орада маълумки ҳар бир миллий тилнинг луғат бойлиги нафақат ўзининг ички имкониятлари билан балки бошқа тилларнинг таъсири остида ҳам бойитилади. Ўзлаштира сўзлар тилнинг луғат бойлигида мустаҳкам ўринга эга. Бундан ташқари таржимон ҳар бир халқ учун ўзига хос маъно касб этувчи ўхшаш сўзларга алоҳида эътибор бериши керак. Американча “прерия” сўзи ўзбекча таржимада “дала” сўзи билан ўхшаш маънони берса ҳам, уларни алмаштириш мумкин эмас. Рус тилида ҳам, “прерия” сўзи, “поле” билан алмаштирилмаслигини ҳисобга олган ҳолда рус таржимони уни шу ҳолича қолдирган.

Тўғридан-тўғри таржима ҳар доим асл нусханинг мазмун ва шакл диалектик бирлигини тиклаш имконини беради. Жек Лондоннинг “Ҳаётга бўлган муҳаббат” ҳикоясини ўзбек тилига икки мартаба яъни билвосита бошқаси еса тўғридан тўғри таржима қилинган. 1961-йилда Фаттоҳ Абдуллаев бу ҳикояни рус вариантыдан, 1972-йилда Абдуқаҳҳор Иминов уни бевосита инглиз тилидан таржима қилади. Н.Дарузаснинг русча таржимасида тўртликдан иборат бўлган эпиграф йўқ худди шундай Фаттоҳ Абдуллаевнинг таржимасида ҳам, у мавжуд эмас. Лекин А.Иминовнинг таржимасида эпиграф шоирона тикланган. Зеро, анан шу эпиграф асарнинг бутун мазмун моҳиятини очиб муаллифнинг маълум бир маънода услубга ишора қилади. Шунинг учун уни ташлаб ўтиш мақсадга мувофиқ эмас.

Асл нусха:

This out of all remain
They have lived and have tossed:
So much of the game will be gain,
Though the gold of the dice has been lost.

Тўғридан тўғри таржима:

Тақдир сени отса ҳам ҳар ён,
Шу нарсани унутма инсон.
Мол дунё деб қайғурма асло,
У топилар омон бўлса жон.

Нафақат коммуникатив балки маълум бир ситилистик вазифаларни ифодалашда фойдаланиладиган тил воситалари таржимада мураккабликларни юзага келтиради. Уларни бартараф етиш еса контекстда мавжуд бирликларнинг мохиятини тушуниш аниқ вазият тил бирликларини мохирона танлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Яхши таржима қилинган асар ҳар доим ўқувчини қувонтириб унга эстетик завқ бағишлайди. Рус тили икки маданият ўртасида яхши воситачи вазифасини бажарди ва ўзбек адабиёти захирасини бойитди ва бойитишни давом этмоқда. Лекин, масала шундаки бевосита таржима муаммоларини қайта кўриб чиқиш ва уни ривожлантириш учун жиддий сабаблар бор. Зеро бу ҳақиқий асар руҳини бирга етказишга хизмат қилади. Фақат шундагина бадиий ўзига хосликни миллий руҳиятни ва муаллифнинг индивидуал руҳий ижодий услубини ифодалаш мумкин.

3.3. Билвосита ва бевосита таржиманинг бадиий – эстетик аҳамияти

Бевосита таржима. Бу – тўғридан-тўғри аслий матн билан ишлаш натижасида юзага келадиган таржима. Бевосита таржима жараёнида мутаржимнинг аслият тилини билгувчи, зуллисонайн бўлиши талаб қилинади. Бу ҳақда адабиётда кўп гапирилган. Н.А.Добролюбовнинг «Энеида» ҳақидаги мақоласини эслайлик. Унда буюк танқидчи таржима қилувчи киши, биринчи навбатда, шоир бўлиши керак, деган эди. Унинг бадиий диди юксак бўлиши, айна асарни ёзган шоирнинг ички дунёсини билмоғи, унинг ижодини тўлиқ ҳис қилмоғи керак. Бугина эмас, классик асарларни таржима қилувчи киши олим ҳам бўлиши зарур. У ўша халқнинг қадимий турмуш шароитларини, ўша даврлардаги урф-одатларини, хусусан, уларнинг тилини мукаммал билмоғи даркор. Ҳар бир сўзнинг энг нозик маъноларини, ҳатто кўз илғамас бир кўмакчининг маъносини ҳам яхши билиши керак. Хусусан, у асарни қайси тилга таржима қилаётган бўлса, ўша тилни жуда яхши билиши зарур. У зўрма-зўракилик билан таржима қилмаслик, ўз тилининг бутун бойлигидан тўла фойдалана олиш, биронта ҳам сунъий жумлага, ғализ иборага йўл қўймаслик, асарда тасвирланган

фикрни мумкин қадар тўлароқ акс эттириш учун ўз тилида тўғри ва чиройлигина эмас, балки енгил ва эркин ёза билмоғи лозим («Энеида» ҳақидаги мақоладан).

Бавосита, билвосита ёки воситали таржимада мутаржим аслият (А) тилидан иккинчи (Б) тилга ўтирилган матн асосида ўзининг (В) тилига ағдаради – таржимадан таржима юзага келади. Натижада тагламадан Б тилдаги таржимага ўтган ҳамда унинг ўзида юз берган қусурлар В тилга ўтиши оқибатида таржима сифатсизланаверади. Шунинг учун *бевосита таржима* энг муҳим сифат мезони ҳисобланади. Жаҳон адабиётида бунга мисол кўп.

Цицерон (м.а. I аср) Эсхин ва Демосфен нутқларини юнон тилидан, Симмах (м.а. II аср) Тавротни иврит (иброний) тилидан юнон тилига, Иероним (IV аср) уни лотин тилига, анча кейин, XV асрда, Г. Штейнхфель - Эзоп ва Боккаччони, А. фон Эйб - Плавтни немис тилига, И. дю Беллэ - Овидийни француз тилига бевосита таржима қилдилар.

«Қирол Лир»ни грузин тилига ўтириш учун И. Чавчавадзе инглиз тилини махсус ўрганган. Француз, немис ва инглиз тиллари устаси И. Мачабели 1873 йили «Қирол Лир»ни бевосита Шекспир тилидан таржима қилди.

Юқори тараққиёт босқичида турган халқларнинг сўз усталари Шекспир асарларининг восита тиллар орқали таржима қилинишини ўзлари учун иснод деб билганлар. Шу туфайли доимо буюк адибни бевосита инглиз тилидан таржима қилиш учун курашдилар. Ҳозир руслар, украинлар, грузинлар, арманлар, Болтиқ бўйиликлар драматург асарларини инглиз тилидан таржима қиладилар. М. Лозинский, Б. Пастернак, С. Маршак Шекспир асарларини тўғридан-тўғри XVII аср инглиз тилидан, С.Н. Иванов Алишер Навоий асарларини XVI аср эски ўзбек тилидан қойил мақом қилиб ўтирганлар.

Таржимага филологик таҳлил нуқтаи назаридан ёндашиш хорижий тилдаги матнни теран англаш ва таржима жараёнида асл нусха матнидаги сўз

ва ибораларнинг тағ мазмунини таржима тилида қайта ёритишда қўл келувчи усуллардан бири ҳисобланади.

Ушбу муаммони буюк инглиз адиби Шекспир асарларининг рус ва ўзбек тилларга таржимаси тарихи асносида кўриб ўтайлик.

Маълумки, Шекспир фожеалари дастлаб рус тилига XVIII асрда таржима қилинган. Аниқроғи 1748 йил шоир А. Сумароков “Ҳамлет” фожеасини рус тилига ўгиради. Бу таржима рус адабиётида классицизм даври адабиётининг махсули бўлиб, унда классицизм услубининг устиворлиги яққол сезилиб туради. Биринчидан, шоир А.Сумароков “Ҳамлет” таржима қилишдан кўра кўпроқ, унга классицизм ақидаларига биноан тақлид қилгани, қолаверса рус тилида янги “Ҳамлет”ни яратгани кўриниб турарди. Иккинчидан, классицизм қонунларига мос келувчи, фожеавий асарнинг сўнггида воқеа яхшилик билан тугаши зарурлиги “Ҳамлет”нинг русча матнига ҳам кўчиб ўтганди. Яъни, А.Сумароковнинг “Ҳамлет”ида ҳам охириги сахнада Ҳамлет ва Офелиянинг орзу-ҳаваслари рўёбга чиқиб, уларнинг никоҳи билан якунланади. Хуллас, А.Сумароков таржимаси ўша даврдаги рус шекспиршунослари томонидан танқидга учрайди. Демак, XVII-XVIII асрларда Европада ҳукмрон бўлган классицизм ақидалари таржима асарларига ҳам ўз ҳукмини ўтказган. Қолаверса, “филологик танқид ва талқиндан” узоқ бўлган XIX асрга келиб, таржимада, хусусан Шекспир асарларини рус тилига ўгиришда “тақлидий таржима” ўрнини “эркин таржима” услуби эгаллайди. Бу услуб даврининг илғор адабий оқими бўлган романтизм қонуниятларига мос эди. Бу услубнинг ўша даврда рус тилига ўгирилган ва рус театрларида сахналаштирилган “Ҳамлет” фожеасининг М.Карабонов вариантыга нисбат бериб айтиш мумкин. XIX асрнинг иккинчи ярмида “Ҳамлет”нинг рус тилига қилинган таржималарида аслиятга эркин ёндашишдан чекиниш ҳолати кузатилиб, бадиий асар матнига “Шекспир тилига етибор бериш ва таржимада аслият тили образлилигини сақлаб қолишга”га асосий этибор қаратилган эди. Бу хусусият Шекспиршунос олимларнинг таъкидлашича ўша йилларда амалга оширилган

Шекспир асарларининг П.Вронченко К.Кюхелбекер таржималарига мослигини такидлаб ўтадилар. Айни пайтда “еэркин таржима” усули “Ҳамлет”нинг 1889 йилда А.Московский тарафидан ўгирилган таржимасида ҳукмрон бўлиб қолган эди.

XX асрга келиб, Шекспир асарлари рус тилига янада мукаммал, таъбир жоиз бўлса, реалистик таржима (Г. Гачечиладзе) принципларига амал қилинган ҳолда таржима қилина бошлади. Бу ҳолатни, таржима усталари Б.Пастернак, М.Лозинский таржималарига нисбат бериб айтиш мумкин.

Малумки, “Ҳамлет” фожеасида ўқувчи ва томошабин қалбини жумбушга келтирувчи ҳолат Ҳамлет монолоғи ҳисобланади. Монологнинг илк сатрлари аслиятда қуйидагича жаранглайди:

To be, or not to be; hat is the question
Whether tis nobler in themind to suffer...

A.Moskovskiy tarjimasi.

Жизньилисмерть? Достойней ли
Сносить удары роковые...

P.Vronchenko tarjimasi:

Быть или не быть-таков вопрос:
Что лучше, что благородней...

Endi yuqoridagi tarjimalarni “Hamlet”ning o’zbek tiliga o’girilgan tarjima variantlari bilan solishtiraylik: 1934 yilgi Cho’lpon tarjimasida:

Yo hayot, yo o’lim , masala shunda:

Dilozor taqdirning nayza va o’qlari...

1948 yilgi M.Shayxzoda tarjimasida:

Tirik qolmoq yo o’lmoq?Shudir masala.

Qaysi biri bulardan bizga munosib?

1991 yilgi J.Kamol tarjimasida :

Yo hayot, yo mamot, masalashundoq.

Joizlikning ul jobiru jabbor falakning...

«Ҳамлет»ни ўзбек тилига Чўлпон ва М.Шайхзода мавжуд русча таржималардан ўгиришган бўлса, Ж.Камол уни бевосита аслиятдан ўзбекчаштирган. Ҳар учала таржимада ўзига хос ютуқлар мавжуд. Сабаби учала таржимон ҳам бу соҳада танилган, шеърят бобида ҳам нухтабон шоирлардир. Таниқли таржимоншуносо лим, проф. М.Холбековнинг такидлашича учала таржима ҳам ўз даврининг махсули, қолаверса таниқли уч сўз устасининг ўзбек тилида яратган «Ҳамлет»идир.

Хўш, юқоридаги таржималар филологик таҳлил (анализ) ва талқин (интерпретация) талабларига жавоб бера оладими? Бизнингча йўқ. Сабаби, улардаги юксак бадиийлик таҳсинга сазовор бўлгани ҳолда, лингвистик талқиннинг заифлиги сезилиб туради. Монологнинг бошида жаранглаётган биргина “Tobe, ornottobe” иборасининг аслиятдаги жаранги, тагмазмундаги маноси русча ва ўзбекча таржималарда ўз аксини топмаган. Буни таниқли матншунос ва таржимашунос олимлар ҳам такидлаб ўтадилар. Келгуси тадқиқотларимизда масаланинг шу жиҳатига чуқурроқ тўхталиб ўтамиз.

III боб бўйича хулоса

Хўш, юқоридаги таржималар филологик таҳлил (анализ) ва талқин (интерпретация) талабларига жавоб бера оладими? Бизнингча йўқ. Сабаби, улардаги юксак бадиийлик таҳсинга сазовор бўлгани ҳолда, лингвистик талқиннинг заифлиги сезилиб туради. Монологнинг бошида жаранглаётган биргина “Tobe, ornottobe” иборасининг аслиятдаги жаранги, тагмазмундаги маноси русча ва ўзбекча таржималарда ўз аксини топмаган. Буни таниқли матншунос ва таржимашунос олимлар ҳам такидлаб ўтадилар. Келгуси тадқиқотларимизда масаланинг шу жиҳатига чуқурроқ тўхталиб ўтамиз.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки таржима халқлар ўртасида бевосита маънавий алоқа қилиш қуроли. Таржима маданий ва маънавий бойликлар, кишиларнинг кўп асрлик орзулари, ғояси ва қарашлари мужассамланган асарларни ўзга тил соҳиби бўлмиш халққа етказиш билан бир қаторда, халқнинг кўнгил дафтарини намойиш этади.

Жаҳондаги барча тилларда яратилган бадиий адабиёт асарлари катта таржима йўлида айрибош қилинади. Таржимасиз, фақат ўз ички ресурслари ҳисобигагина ривожланадиган, узоқ ва яқин бошқа халқлар бунёд этган маданий бойликлардан баҳраманд бўлмаган «соф» миллий «тиниқ» маданият, адабий ўзгармас «тоза тил» йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Агар таржима бўлмаганида миллий маданиятлар ва инсониятнинг буюк даҳолари бунёд қилган ўлмас фан ва санъат обидалари яккаланиб қолган бўлар эди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса ясаб шуни таъкидлаб ўтиш жоизки Жахон цивилизациясида адабиёт, санъат ва фаннинг ривожланишига таржима жуда катта таъсир кўрсатган. Қадим замонлардан таржимачилик кишилар назарида иккинчи даражали касб сифатида қараб келинган бўлса ҳам ҳаётнинг барча жабхаларида ишлатилиб келинган.

Таржима тарихига назар ташлар эканмиз қайси давлатда ёки ҳудудда таржима ривожланган бўлса, мохир таржимонлар тўпланган бўлса айнан ўша жойда илм-фан, адабиёт, санъат ва маданият тараққий топган.

Антик даврдан бошлаб қадимги Греция ҳудудида тараққий топган таржима саънати милоднинг илк асрларида Рим империяси ривожига катта ҳисса қўшди. Ўрта асрларда(VIII-XI) Боғдод таржима мактаби Ўрта Осиё ривожига катта ҳисса қўшган, ўрта аср шарқ мутафаккирлари таржимонлик маҳоратини дунёга танитган илмий, дунёвий асарлар Европада илм-фан, адабиёт ва санъат ривожига улкан ҳисса қўшган. Боғдод таржима мактаби ишини давом эттирган ҳолда Европада уйғониш даврида (XII-XIV) Толедо таржима мактаби таржимонлари ўзларининг шарқ мутафаккирлари асарлари таржималари билан жахон цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшганлар.

Ўзининг узоқ тарихига ва ривожланиш босқичларига эга бўлган таржима фақатгина XX асда дунё олимлари, тилшунослари томонидан мустақил фан сифатида тан олинди. XX асрнинг ўрталарига келиб таржимашунослик фани ривожлана бошлади. Фаннинг асосчилари сифати буюк таржимашунос олимлар В.Комиссаров, А.Фёдоров, Л. Бархударов, Рецкер, Швейцер, Миньяр-Белоручев, Ю.Найда, Ж.Мунэн, Ғ.Саломов, Ж.Шарипов, Н.Владимирова ва б. меҳнатлари таҳсинга сазовордир.

1954 йилда Брюсселда бетакрор таржимон Пьер Франсуа Кайе ташаббуси билан очилган Халқаро таржимонлар федерацияси (**FIT**-F'ed'eration Internationale des Traducteurs, International Federation of Translators, der Internationale Uebersetzerverband- Pierre-Fransois Caille) дунё ҳамжамиятини таржимонлик касбига нисбатан ҳурмат билан қарашини,

таржимонларнинг хаёт тарзини яхшилашга ва уларнинг меҳнат бозоридаги устунлигини кўрсатишга эришди.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги очилган кўплаб халқаро ташкилотлар (БМТ, НАТО ва б.), ўтказилган қатор концеренциялар таржимонлик касбига бўлган талабни яққол кўрсатиб берди ва шунинг натижасида дунёнинг эътиборли Олий ўқув юртларида, тил институтларида таржимонлик курслари ва йўналишлари очилди ва профессионал таржимонларни тайёрлай бошлади.

Шундай қилиб таржима узоқ тарихга эга бўлса ҳам XX аср таржимонлик касбига нисбатан инсонларнинг қарашларини ўзгартирди ва ушбу йўналиш фан сифатишакллантирилиб тубдан ислоҳ қилинди.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки таржима халқлар ўртасида бевосита маънавий алоқа қилиш қуроли. Таржима маданий ва маънавий бойликлар, кишиларнинг кўп асрлик орзулари, ғояси ва қарашлари мужассамланган асарларни ўзга тил соҳиби бўлмиш халққа етказиш билан бир қаторда, халқнинг кўнгил дафтариини намойиш этади.

Жаҳондаги барча тилларда яратилган бадиий адабиёт асарлари катта таржима йўлида айрибош қилинади. Таржимасиз, фақат ўз ички ресурслари ҳисобигагина ривожланадиган, узоқ ва яқин бошқа халқлар бунёд этган маданий бойликлардан баҳраманд бўлмаган «соф» миллий «тиник» маданият, адабий ўзгармас «тоза тил» йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Агар таржима бўлмаганида миллий маданиятлар ва инсониятнинг буюк даҳолари бунёд қилган ўлмас фан ва санъат обидалари яккаланиб қолган бўлар эди.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РҲЙХАТИ

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси.- Тошкент, 2000. – 259 б.
2. Аничков И.Е. Труды по языкознанию. - С-Петербург: Наука, 1997.– 78 с.
3. Болотнова Н.С. Эвфемизация в современном словоупотреблении и языковая компетенция личности. // Языковая компенсация: грамматика, словарь. – Новосибирск, 1998. – Ч.І. – С. 19-23.
4. Бушуева Т.С. Прагматический аспект эвфемизмов и дисфемизмов в современном английском языке. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2005. – 20 с.
5. Гатина М.М. О некоторых современных эвфемистической лексики английского языка/ Хабаровский гос. пед. институт. – Хабаровск, 1988. 21 с.
6. Голубина К.В. Когнитивные основания эпитета в художественном тексте: Автореф. дис. ... канд. филол. наук – М.д. МГУ, 1998. – 25с.
7. Заботкина В.И. Новая лексика современного английского языка – М.: «Высшая школа», 1989. – С. 84 – 125.
8. Кацев Ф.М. Языковое табу и эвфемия. Л.: ЛЕПИ, 1989. – 79 с.
9. Кохуров В.И. Введение в языкознание. – М., 1987.
10. Колшанский Г.В. Контекстная семантика. – М.: Наука, 1980.
11. Логический анализ языка: культурные концепты (сб.ст.) –М.: Наука, 1991. –С. 25-29.
12. Машурова Е. Контломерат детали и эвфемизма как средство представления информации в художественном тексте: (На материале английского языка) // Scripta manent. Вып. 9. –Смоленск, 2003. –С. 201-203.
13. Обвинцева О.В. Эвфемизм в политической коммуникации. На материале английского языка в сопоставлении с русским. Автореф. дис...канд.филол.наук. –М., 2003. -21с.
14. Остин Дж. Л. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17 Теория речевых актов. –М.: Прогресс, 1986. –С. 22-129.

- 15.Петров В.В. Метафора: от семантических представлений к когнитивному анализу // Вопросы языкознания. -1990, №3. –С.135-145.
16. Поченцов Г.Г. Коммуникативно-прагматические аспекты семантики // Филологические науки. – 1984, №4. –С.29-36.
17. Реформатский А.А. Языковедение. –М.: Агент – пресс, 1999.
18. Роль человеческого факторах в языке: Язык и картина мира. – М.: Нука, 1988. – 244 с.
19. Сагинтаева А.К. Морально – этические предпосылки возникновения и развития табу и эвфемизмов в английской зоонимии // Языкознание / Тилтаным. – Алматы, 2002, № 4 – С. 78-79.
- 20.Сепир Э. Язык. Введение в изучение речи // Э.Сепир. Избранные труды по языкознанию и культурнологии. – М., 1993.
- 21.Темнякова Э.Б. Когнитивная структура парадокса: (на материале английского языка): Автореф.дис...канд.филол.наук. –М., 1999. -27с.
- 22.Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. 512 с.
- 23.Тер – Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: «Слово» 2000 .
- 24.Трошина Н.Н. Лингвистический аспект межкультурной коммуникации // Лингвистические исследования в конце XX века. М.: ИНИОН, 2000. – С. 56-68.
- 25.Тюрина Е.Е. Семантический статус эвфемизмов и их место в системе номинативных средств языка (на материале современного английского языка) . Автореф.дис...канд.филол.наук. – Нижний Новгород, 1988. -18 с.
- 26.Galperin I.R. Stylistics. Third edition.Moscow: VyssajaSkola, 1981. – 334 p.
- 27.Уваров В. Д. Материальные и психологические реалии и их значение для перевода. - МГПИИЯ, 2003. - 68с.
- 28.Файзуллаева Р. Национальный колорит и художественный перевод. - М., 2000. - 54 с.

29. Фёдоров А. В. Основы общей теории перевода. - «Высшая школа» М. - 1983.- 304 с.
30. Хачатурян Н. Реалия и переводимость. Мастерство перевода. - 1972. - 42с.
31. Хорнби А.С. Конструкции и обороты английского языка // Хорнби А.С. – М.: Буклет, 1994. – 45 с.
32. Чернов В. Г. К вопросу передачи безэквивалентной лексики при переводе на англ. язык. - Уч. записки МГПИИЯ т. XVI. -М.,1958 . - 105 с.
33. Шахова К. А., Баканов А. Т. Заметки о переводе слов реалии. Теория и практика перевода. – М., 1972. - 93с.
34. Швейцер А.Д. Перевод и лингвистика. - М., 1973, 218 с.

Қўшимча бадий асарлар

1. Blackmore R. Perlycross. – London, 1987. – 349 p.
2. Chaplin S. The Watchers and the Watched. – London, 1986. – 404 p.
3. Dennis E. Letters from Prison. – London, 1994. – 348 p.
4. Dreiser Th. The Financier. – New York, 1989. – 560 p.
5. Galsworthy J. A Stoic. – London, 1989. – 324 p.
6. Jerome J.K. Paul Kelter. – London, 1994. – 288 p.
7. Jonson B. Bartholomew's Fair. – London, 1990. – 344 p.
8. Mansfield K. At the Bay. – London, 1985. – 279 p.
9. Maugham W.S. Rain. – London, 1991. – 198 p.
10. Maugham W.S. The Hour before the Dawn. – London, 1990. – 370 p.
11. Milton J. L'Allegro. – London, 1993. – 240 p.
12. Scott W. The Antiquary. – New York, 1989. – 524 p.
13. Stevenson R.L. Kidnapped. – London, 1979. – 304 p.
14. Trollope A. The Warden. – London, 1995. – 420 p.
15. Twain M. 'Pudd'nhead Wilson. – New York, 1988. – 340 p.
16. The Work of Shakespeare. – М., 1937-1938. – Vol. I-IV.
17. Wells H.G. The Research Magnificent. – London, 1992. – 364 p.

18. Hemingway E. "The old man and the sea". Second edition. Progress publishers. Moscow, 1967. – 86 б.
19. Хемингуэй Э. «Старик и море» М., Издательство «Правда», 1989. – 85 б.
20. Хемингуэй Э. «Чол ва денгиз» Т., «Ёш гвардия» нашриёти, 1986. – 132 б.

Лугатлар

1. Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – М.: Русский язык, 1984. - 942 с.
2. Apperson G.L. English Proverbs and Proverbial Phrases. – London. – New York, 1929. – 499 p.
3. Collins Dictionary of English Language. – London; Glasgoe, 1999. – 1690 p.
4. Dictionary of Contemporary English. – Editor-in-Chief Procter P. – London: Papermark, 1998. – XXXIX, 1303 p.
5. Hornby A.S. e.a. The Advanced Learner's Dictionary of Current English. – London: Oxford Univ. Press, 1991. – 947 p. (ALD).
6. Hornby A.S. Oxford student's dictionary of Content English. – Oxford: Oxford University press, 1984. – 769 p.
7. Longman Dictionary of Contemporary English. – London: Longman, 1997. – 1229 p.
8. The Concise Oxford Dictionary. – Ed. by Sykes J.B. – Oxford: Oxford University Press, 1992. – 1312 p.
9. The Kenkyusha Dictionary of Current English Idioms., ed. by Sanki Ichikawa, Tokyo, 1993 (Kenk.0. – 990 p.
10. The Oxford English Dictionary of The English Language / Ed. by James A.Y. Murray. – Oxford: Oxford at the Clarendon Press, 1993. – 1405 p. (OED)

Электрон манбалар

1. <http://www.jilsau.uz/wp-content/.../soglom5.pdf>
2. <http://www.ziyonet.uz/uzl/library/dsl/60>
3. <http://www.akadmvd.uz/bibl/93.pdf>
4. <http://www.denemetr.com>
5. http://www.el.tfi.uz/pdf/ffmoq22_uzl.pdf